Ҳозирги кунда сув таъминоти ва канализация тизимидаги вазиятни эскирган сектор стратегияси, чекланган режалаштириш механизмлари ва эскирган стандартлар мураккаблаштирмоқда. Мазкур тизим самарадорлигини текшириш маълумотлари шуни кўрсатадики, баъзи қишлоқ аҳоли пунктларида уй хўжаликлари кунига атиги бир неча соат давомида сув таъминоти билан таъминланади. Фақат истеъмолчиларнинг 19 фоизи 24 соат давомида, 18 фоиз истеъмолчилар 12 соат ва истеъмолчиларнинг катта қисмига (60-65 фоиз) кунига 6 соатдан кўп бўлмаган ичимлик суви етказиб берилади. Статистикага кўра ҳозирги кунда, мамлакатимизда 6 миллионга яқин аҳоли туманлардаги марказлаштирилган ичимлик суви тизимидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Қишлоқлардаги сув етказиб берувчи иншоотлар фаолияти бутунлай издан чиққан. Қишлоқ жойларида сув таъминоти режими барқарор эмас.

М.Розугрант., К.Сайлар таъкидлаганидек "Бугун жаҳон улкан муаммо ёқасида турибди, бу муаммо сув муаммосидир. Ҳозирги кунда жаҳонда 800 млн. киши очликдан қийналмоқда, умумий аҳоли сони 300 млн. дан ортиқ бўлган 28 мамлакат сув танқислигини бошидан кечирмоқда, 1,7 млрд. киши меъёрдаги сув таъминоти ва санитариядан фойдаланиш имконига эга эмас, шу билан биргаликда ҳар йили қарийб 1,5 млрд. киши сув орқали ўтган юқумли касалликлардан азият чекмоқда".

Мамлакатда сув таъминоти ва канализация тизимида мавжуд бир қатор техник, ташкилий ва молиявий муаммолар туфайли, тозалаш иншоотлар самарадорлиги ҳудудларда 26-78 фоизни ташкил этади. Бунга нафақат иншоотлар техник эскирганлиги, балки янги ташкил этилаётган корхоналар маҳаллий тозалаш иншооти билан жиҳозланмагани натижасида "Сувоқава" тозалаш иншоотига келиб тушаётган оқова сувлар сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сув ресурсларида вужудга келган аҳволни умумий баҳоладиган бўлса сув етарлидек кўринади, аммо айни вақтда сув тақчиллиги ортмоқда Сув ресурсларининг энг катта истеъмолчиси суғорма дехкончилик ҳисобланади ва у 84% ҳажмдаги сув ресурсларини истеъмол қилади.

Республикада ҳозирги пайтда 4,3 миллион гектар ерни суғориш учун ўртача 57 миллион м<sup>3</sup> дан ортиқ сув олинмоқда. Сирдарё ҳавзасида бир гектар ерни суғориш учун умумий сув истеъмоли 10,4 минг м<sup>3</sup>, Амударё ҳавзасида 12,5 минг м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Сувдан нооқилона фойдаланиш ва унинг самарадорлигининг



пастиги суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардандир.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистонда келажакда сувга булган талаб қишлоқ, хўжалигига қараганда, шаҳар ва саноат соҳасида ўсиб бориши мумкин. Хисоб-китоблар шуни кўрсатадики, суғориш ишлари ва сувдан фойдаланидаги баъзи ҳолатларда сувга бўлган талабнинг тез суръат билан ортиши, айниқса, маиший ва саноат мақсадларида эҳтиёжнинг кучайиши озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ўсишини жиддий равишда сусайтириши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг нархи сувдан таъминланганлик даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Фалланинг, хусусан, гуруч, буғдой, маккажўҳори ва бошқа маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги нархи суғориш соҳасидаги сув билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Суғориладиган ерларда ҳам, лалмикор ерларда ҳам сувни бошқариш ва ундан фойдаланиш соҳасида ижобий ўзгаришлар бўлмаётган бир пайтда суғоришда фойдаланиладиган сув ҳажмининг қисқариши ишлаб чиқаришнинг ўсишини пасайтиради. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида сиёсатни ривожлантиришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув - услубий мажмуа. -Тошкент: Иқтисодиёт, 2010. -Б.19.

2. Перейра Л., Духовний В., Хорст М. Орол денгизи ҳавзасида чўлланиш жараёнига қарши курашда суғоришни бошқариш. Баҳолаш ва воситалар. Тошкент, 2005.

3. И. Жўрабеков, В. Духовний. Обиҳаёт -бугунимиз ўтмишимиз, бугунимиз ва келажгимиз// Ҳалқ сўзи, 2018 йил 1 июнь

4. Проф. А.Т.Саллохиддинов., проф. Р.К.Икрамов. Управление водными ресурсами-Ташкент, ТИМИ, 2013.Б-25.

5. Розугрант М., Сай К. Водный дефицит и продовольственная безопасность: альтернативное будущее 21 века.// Информационный сборник 2 (20) НИЦ МКВК июль, 2003.



## "МЯГКАЯ СИЛА" ВО ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКЕ ВЕЛИКОБРИТАНИИ

**Азимбаева Шахноза Акрамжановна**

**Докторант Университета мировой экономики и дипломатии**

**тел.: +998907887212**

**miss\_uwed@myrambler.ru**

*Аннотация. В данном тезисе рассмотрены основные инструменты осуществления внешней политики Великобритании. Широкое применение термина "мягкая сила" в концепции национального интереса страны, и значимость в международной системе.*

*Ключевые слова: "мягкая сила", внешняя политика, "национальный интерес", стратегия.*

Происходящая сегодня трансформация миропорядка в сторону полицентризма, который по мнению исследователей имеет иерархичный характер, заставляет национальные правительства пересматривать внешнюю политику государства и искать новые формы и инструменты внешнеполитической деятельности, разрабатывать концепции и научные категории для описания и объяснения новых явлений мировой политики, а также для прогнозирования путей развития системы международных отношений.

Усиление взаимозависимости и одновременно конкуренции между отдельными странами и макрорегионами приводит к тому, что все большее значение приобретают сложные для осмысления и концептуализации явления, в том числе, образ и имидж страны или группы стран, привлекательность, способность формировать политический дискурс на глобальном уровне. Новая экономическая и политическая реальность означают, что государства, не готовые влиять на мировую повестку дня и обеспечивать благоприятную для себя внешнюю среду, проигрывают в глобальной конкуренции и вынуждены следовать за лидерами.

Изменились подходы к пониманию силы в международных отношениях: если в прошлом под силой понималась, прежде всего, военная и экономическая мощь страны, то сегодня все большую популярность приобретает концепция "мягкой силы". Термин "мягкая сила" (soft power) был предложен американским политологом Джозефом Наем-мл. в конце прошлого столетия. После окончания "холодной войны" меняется мировой порядок. В этом трансформирующемся мире возрастает роль информационных технологий и коммуникации, и успех государства зависит не только от военной или экономической мощи, но и от способности быть привлекательным, добиваясь того, чтобы "другие хотели того же, чего хочешь ты". В дальнейших работах Дж. Най развивает свои идеи, однако понятие "мягкая сила" - то есть сила, основанная на привлекательности национальной культуры, ценностей и внешней политики, - остается центральным в его концепции и противопоставляется силе "жесткой", базирующейся на принуждении или подкупе.

В этих условиях категория национальных интересов напрямую отражает господство тех или иных национальных, то есть одобряемых большинством населения Великобритании, ценностей. Так, те или иные лозунги, производимые на уровне ООН и призывающие к борьбе с международным терроризмом, вмешательством в демократические процедуры суверенных государств, сокращению стратегических запасов оружия массового поражения и кооперации в сфере экологической безопасности, вызывают или не вызывают одобрения на национальном уровне через принятие одних ценностей и задач и отвержение других .



Колониальное прошлое имеет огромное значение с точки зрения становления британской "мягкой силы" и во многом объясняет интерес британских политиков и экспертов к этой концепции. Британская империя, взаимодействовала с многочисленными народами по всему миру и устанавливала свои порядки, создавала по подобию своих колониальные административные структуры, распространяла свои нормы и принципы организации различных общественных и государственных институтов, приобщала людей за пределами страны к своей культуре и языку. Однако в течение XX в. произошли огромные изменения, и самая крупная империя мира прекратила существование. Тем не менее, имперское наследие и сегодня продолжает влиять на внешнюю политику Великобритании и международные отношения. Яркое свидетельство такого влияния - глобальное распространение английского языка и его превращение в язык международного общения.

Сегодня термин "мягкая сила" широко используется британскими политическими деятелями, употребляется в официальных документах правительства, парламента, в научном и экспертном сообществе и в СМИ. Так, в опубликованной в 2015 г. Национальной стратегии безопасности и Стратегическом обзоре обороны и безопасности (National Security Strategy и Strategic Defence and Security Review) "мягкой силе" уделено большое внимание: необходимость усиливать британское влияние с помощью "мягкой силы" обозначена в качестве одного из важнейших приоритетов стратегии национальной безопасности .

Рассматривая историю международных отношений и сложившийся к началу XXI в. миропорядок, ведущие отечественные специалисты говорят о роли не силовых способов его утверждения в мире, а именно "распространения в различных странах и регионах современных западных стандартов экономической и политической жизни, образцов и моделей поведения, представлений о путях и средствах обеспечения национальной и международной безопасности, а в более широком смысле - о категориях блага, вреда и опасности - для последующего их там культивирования и закрепления" . Если незападным державам, в том числе, России и Китаю, неизбежно приходится подстраиваться под лидеров и одновременно искать собственное особое место в заданной системе координат для увеличения собственной "мягкой силы", то Великобритания, напротив, принадлежит к числу создателей такой системы.

Внешняя политика Британской империи и Соединенного Королевства, с одной стороны, играла существенную роль в становлении сегодняшнего мирового порядка, с другой - стремилась отвечать вызовам времени и учитывать растущую роль невоенных факторов силы. "Мягкая сила", основанная на привлекательности культуры, национальных ценностей и внешней политики государства, способствует экономическому росту, а также позволяет государству формировать тренды и задавать векторы развития в мире, влиять на международную повестку дня, обеспечивая тем самым национальную безопасность и благополучие. Одним из инструментов осуществления внешней политики национального интереса достаточно рассмотреть членство Великобритании в ЕС и BREXIT где активно проявлялось лоббирование своих интересов в пользу самой страны.





#### Литература

1. Nye, J. Soft Power.// Foreign Policy. - 1990. - No 80. - P. 153-171.
2. Малихин А.Б. Последствия выхода Великобритании из состава ЕС // Вестник Института экономики Российской академии наук (г. Москва, июль 2019 г.). М., 2019. - № 4. С. 169-181
3. Харитонова Е.М. "Мягкая сила" Великобритании: сравнительный анализ механизмов, инструментов и практик. - Сравнительная политика = Sravnitel'naya politika-Comparative politics. - 2017. - Т. 8. - № 1(26). - С. 5-20.
4. Богатуров А.Д. Системная история международных отношений. Т. 3. - М.: Изд-во НОФМО, 2004. - 287 с.



## НУРИДДИН СОБУНИЙ БУХОРИЙ АСАРЛАРИДА ХАЙРУ САХОВАТ ҒОЯЛАРИ

**Махсумхонов Раҳматхон Аҳмаджонович**

**Ўқитувчи-стажёр, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

**Тел:+998909669751, gmakhsun1990@gmail.com**

*Аннотация: Ушбу мақолада Нуриддин Собуний Бухорийнинг илмий меросида саховат ва ўзгаларга кўмак бериш борасида келган маълумотлар ёритилган.*

*Калит сўзлар: сўровчи, жеркиш, ҳақ, муҳтож, Табсиратул адилла*

Нуриддин Собунийнинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Абу Бакр Собуний Бухорий бўлиб, мотуридийлик мактабининг кўзга кўринган вакиллари билан ҳисобланади. Калом илмига доир китобларда Нуриддин Собуний, "ал-Бидоя" китобининг муаллифи, "ал-Кифоя" китобининг муаллифи каби номлар билан зикр қилиниб ўтади[1:42, 2:1500, 2040]. Фахриддин Розийнинг таъбири билан айтганда Бухоро шаҳрида "Нур Собуний" номи билан танилган[3:14]. Китобларда ҳаёти ҳақида маълумотлар келган манбаларда у зотнинг исми, вафот этган йили, "Китобул ҳидоя", "Китобул бидоя фи усул ад-дин" деган китобларни ёзгани ҳақидаги маълумотдан бошқа айтилган маълумотни топа олмаймиз[1:42, 2:1500, 2040].

Нуриддин Собунийнинг илм ўрганиш учун қайси шаҳарларга боргани ва кимлардан таълим олгани ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин Фахриддин Розий билан олиб борган мунозараларидан шу нарса маълум бўладики, Нуриддин Собуний умрининг охирида ҳаж зиёрати учун Макка шаҳрига сафар қилган, Хуросон ва Ироқ шаҳарларида илмий мажлисларда иштирок этган[3:14]. Шунингдек, Фахриддин Розий билан мунозара қилганидан сўнг Абул Муин Насафийнинг "Табсиратул адилла" китобидан калом илмини ўргангани ва ундаги маълумотларга эътиқод қилишини айтиб ўтган[3:23]. Унинг 580/1184 йилда вафот этгани[1:42, 2:1500, 2040] ва умрининг кексалик вақтида ҳаж зиёратига бориб келганини инобатга олиб, ҳижрий олтинчи асрнинг бошларида таваллуд топган дейишимиз мумкин.

Нуриддин Собуний илмий меросида жамиятнинг барча соҳаларига тегишли қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Олимнинг "ал-Мунтақо мин исмат ал-анбийё" асарида хайру саховат ва ўзгаларга яхшилик қилиш хусусида қуйидаги маълумотлар келади:

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам бирор етим болани кўрсалар бағрларига босар ва умматларини ҳам бу ишга қизиқтирар эдилар. У зот: "Ким ўзининг ёки бированинг етим боласини қарамоғига олса, бошини силаса, қўли ўтган ҳар бир соч толаси учун бир яхшилик ёзилади ва у беҳисоб жаннатга қиради. Мен билан мана шундай бўлади", деб ўрта ва кўрсатиш бармоқларини бир-бирига ёпиштирдилар[4:222].

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам қалбида шафқатсизлик борлигини сезган кишига: "Етимлар билан таомлансин ва уларнинг бошини силасин!", дедилар.

Аллоҳ таоло Қуръонда Пайғамбарига шундай хитоб қилади: "Аmmo, сўровчини жеркиманг!". Ушбу оятда сўровчининг ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилиш кераклиги тушунилоқда. Аллоҳ таоло айтади: "Ва молу мулкларидан, сўровчи ва бечораларнинг ҳақи бордир".



Шайх Абу Мансур Мотирудий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинади: У зот: "Агар сизларнинг олдингизга сўровчи келса, гапини тугатиб олмасдан унинг гапини бўлиб қўйманг! Гапини тугатиб бўлгач, чиройли ва мулойимлик ила озгина нарса беринг ёки ширин сўз билан жавоб қайтаринг. Чунки сизнинг олдингизга инсон ҳам, жин ҳам бўлмаганлар келади ва Аллоҳ таоло сизга берган мулкени қандай ишлатишингизни кўради", дедилар[4:223].

Ўз навбатида сўровчи ҳам эҳтиёжидан ортиқ нарсани сўрамаслиги керак. Берувчи эса, сўровчининг муҳтож ёки муҳтож эмаслигини текширишга масъул эмас. Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам: "Сўровчи улов устида келган тақдирда ҳам унинг ҳақи бор", дедилар.

Эҳтиёжманд киши Аллоҳ таоло мана шу кишига яхшилиқни ато этган экан деб, ундан ҳожатини сўрайди. Агар эҳтиёжини қондирса Аллоҳ таолога шукр қилади ва эҳтиёжини қондирган кишининг ҳақиға дуо қилади. Агар у киши ҳеч нарса бермаса, унга жаҳл қилмайди ва Аллоҳ таоло бу киши туфайли менинг эҳтиёжимни қондиришни тақдир қилмаган экан дейди. Эҳсон қилувчи киши ўзидаги қизғанчиқлик иллатини излаши ва бартараф этиши ҳамда Аллоҳ таолодан бу иллатдан паноҳ сўраши лозим[4:224].

Нуриддин Собуний асарларида масаланинг туб моҳиятини ёритишга ва унинг ечимларини Қуръон ва суннат ҳамда соғлом ақл тарозуси орқали ҳал этишга ҳаракат қилади. Жумладан шундай дейди: "Кимнидир қармоғига олган одам нажот топмайди", деб айтилган гапга келсак, агар у киши қармоғимдагиларнинг ризқини мен бераман деган гумонга борса, нажот топмайди. Аммо, мен бу ишларни бажарувчиман холос ризқни Аллоҳ таоло беради деб қараса, у нажот топади" [4:221]. Бу қарашларнинг барчаси Қуръон ва суннат булоғидан суғорилган қарашлардир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аллома асрида саховат ва кўмак каби эзгу инсоний фазилатлар тарғиб қилувчи маълумотлар Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифларнинг мазмунидан келиб чиқиб ёритилган ва бу борадаги энг ноёб манба ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулҳай Лакнавий. Ал-фавоид ал-Баҳия фи тарожим ал-ҳанафия. - Қоҳира: Дор ал-китоб ал-исломий, Б.42.
2. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан асоми ал-кутуб вал фунун. - Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, Ж. 2. Б. 1500, 2040.
3. Фаҳриддин Розий. Мунозорот Фаҳриддин ар-Розий фи билод мавароуннаҳр. Муҳаққиқ: Фатҳуллоҳ Халиф. - Байрут: Дор ал-Машриқ, Б. 14.
4. Нуриддин Собуний. Ал-Мунтақо мин исмат ал-анбиё. Муҳаққиқ: Муҳаммад Булут. - Байрут: Дор Ибн Ҳазм, 2012. Б. 22.



## ЎЗБЕКИСТОНДА "БИР МАКОН - БИР ЙЎЛ" ТАШАББУСИ.

**Нуриддинов Сардор Бобоярович**  
Тошкент темир йўл муҳандислари институти  
Телефон: +998(90)3925504  
E-mail: mr.john.1991@list.ru

*Аннотатсия: ХХРнинг "Бир макон - бир йўл" ташаббуси Ўзбекистонда ҳам истиқболга, ҳам чекловга эга ва кўпгина омилларга боғлиқ. Россиядаги "манфаатлар зонаси" сифатида Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларни тақсимлашга яхши мисол бўлиши мумкин, бунда Москва этакчи рол ўйнайди. Хитой Ўзбекистоннинг ички интеграция ва хавфсизлик масалаларига аралашмасдан фақат интеграциянинг иқтисодий таркибий қисми билан чеклайди ёки Пекин барибир Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий мавқеини мустаҳкамлайди. Муваффақиятли амалга оширилгандан сўнг, ташаббус Хитойнинг минтақадаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга замин яратади.*

*Калит сўзлар: ташқи сиёсати, Ипак йўлининг иқтисодий макони, геополитика, йиллик товар айирбошлаш, иқтисодий кўрсаткичлар, инфратузилмалар, Марказий Осиё.*

2013 йилда Хитой етакчиси Си Сзинпин ва Н.Назарбоев номидаги Қозоғистон давлат университетида 800 миллиарддан 1 триллион долларгача бўлган Буюк ипак йўлининг иқтисодий маконлар ташаббусини эълон қилди. Кейинчалик, "XXI-аср денгиз маршрути" ташаббуси эълон қилинди, иккита ташаббусни умумий "Бир макон - бир йўл" ташаббуси остида бирлашди. Ўшандан бери, Ташаббус доирасидаги иккита институт ўз ривожланиш концепсиясини қабул қилди - Осиё тараккиёт банки - миллиард доллар ва 2014 йилдан бери капитали 40 миллиард долларга тенг Буюк Ипак йўли жамғармасидир.[2]

Хитой тобора Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсатида этакчи мавқени эгалламоқда. 25 йиллик ҳамкорлик даврида Хитой ва Марказий Осиёнинг беш давлати ўртасидаги йиллик товар айирбошлаш ҳажми йилига \$ 500 миллиондан \$ 30 миллиардгача ўсди. 2018 йилда энг юқори кўрсаткичлар \$ 80 миллиард қайд этилди. Сўнгги йилларда Хитой сармоядор, қарз берувчи ва барча беш республиканинг савдо ҳамкори сифатида Россияни иккинчи ёки ҳатто учинчи поғоналарга тушириб Марказий Осиёдаги фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштирди.[1]

Ушбу ташаббус нафақат Хитойни, балки инфратузилмавий логистика ва савдо имкониятлари туфайли маршрут бўйлаб жойлашган давлатларни ҳам янги имкониятлар билан таъминлашга қодир. Айнан ташаббуснинг ушбу жиҳати эскирган Совет инфратузилмаси ва бошқа савдо йўллари излаш шароитида Марказий Осиё давлатлари учун энг жозибадор ҳисобланади. Минтақа давлатлари хитой сармояларидан фойдаланиб, ўз фуқароларини янги имкониятлар билан таъминлаб, ўз бошқарувларини қонунийлаштириши мумкин. Ташаббуснинг афзаллиги - бу босқичда кўплаб лойиҳаларни сиёсийлаштиришни олиб ташлайдиган иқтисодиёт ва интеграциянинг иқтисодий қўзғатувчисидир. Бироқ, агар ташаббус муваффақиятли амалга оширилса, ХХР Россиянинг геосиёсий устунлигини шубҳа остига қўяди ва маршрут мамлакатлари бўйлаб сиёсий мавқеини оширади. Келгусида ШХТ нафақат иқтисодий, балки ҳарбий ташкилотларнинг ҳам таъсирчанларидан бирига айланиши мумкин, бу ШХТнинг ваколатларини кенгайтириш ва ҳарбий қисмни институтсионализация қилишни талаб қилади.



"Бир макон - бир йўл" учта иқтисодий коридорни яратишни ўз ичига олади:

- Хитой-Марказий Осиё-Россия-Европа
- Хитой - Марказий ва Ғарбий Осиё - Форс кўрфази ва Ўрта эр денгизи
- Хитой-Жануби-Шарқий Осиё-Жанубий Осиё - Ҳинд океани.

Ушбу йўлаклар Хитойдан Европага товарлар ва хизматларни денгиз орқали ташиш тезлигини 45-60 кундан 10- 13 кунгача оширади; Хитойнинг иқтисодий ўсиш суръатларини рағбатлантириш учун Хитой товарлари ва хизматлари учун янги бозорларни очиш; Хитой темир йўл ва қурилиш компанияларига жаҳон бозорини забт этишда ёрдам беради.[3]

Хитой лойиҳа доирасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни назарда тутувчи "мослашувчан механизмлар"ни қўллаб келмоқда. Хитойнинг транзит-логистика соҳасига оид лойиҳалари Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон бозорига чиқиши, бошқа давлатлар билан саноат кооперациясини мустаҳкамлашига кенг йўл очмоқда.

Ўзбекистон биринчилар қаторида "Бир макон, бир йўл" ташаббусини қўллаб-қувватлади ва унинг аъзо-таъсисчиларидан бирига айланди. Мамлакатимиз учун денгиз портларига чиқиш жуда муҳим. Шу боис, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка бозорларига чиқиш имконини берувчи халқаро транспорт йўлакларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, 2016 йилда Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темир йўли барпо этилди. Мазкур линия Хитойгача бўлган масофани 270 километр қисқартириш имконини берди. Бундан ташқари, Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши мамлакатларимиз учун улкан иқтисодий имкониятлар очади. Ўлчов туфайли Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши ҳозирча келишилмаган: Хитой халқи учун ўлчамлари 1435 мм бўлган ўлчов жуда муҳимдир, Ўзбекистон учун ҳам 1520 мм муҳимдир. Бу лойиҳанинг натижада мамлакатимиздан Хитой ва Ўрта Шарққа тўғридан-тўғри чиқиш имконияти юзага келади, юк ташиш вақти 5-6 суткага қисқаради. Янги автомобиль йўллари, жумладан, "Андижон-Ўш-Иркиштом-Қошғар" қатновини очиш минтақа давлатлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириб, уларнинг иқтисодий тараққиётига қўшимча суръат бағишлайди.[1]

2018 йилда Ўзбекистон ташқи савдо юklarини Хитойдан ва Хитойга темир йўл транспорти орқали ташишда 2017 йилга нисбатан 18,2 фоиз ўсиш кузатилди. Импорт юklarини ташишда 25,8 фоиз ўсишга эришилди.[5]

Хитой стандартларини экспорт қилиш масаласини Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Шундай қилиб, "Ақлли шаҳар" лойиҳасини амалга ошириш Хитойнинг Хуawei компаниясига 1,5 йил муддатга 60 млн ишониб топширилган. Шунингдек, магистрал йўналиши ва хавфсизликка таҳдидлар билан боғлиқ иқтисодий фойда масалалари кўрилмоқда. "Бир макон - бир йўл" халқаро миқёсда ХХРга Ўзбекистоннинг энергия манбаларига деярли кириш имкониятини кенгайтиришга ва аста-секин геосиёсий жиҳатдан этакчи ўйинчига айланишига имкон беради. Хитой Ўзбекистон ва Туркманистон, Қозоғистон ва Тожикистонга 2016 йил бошида хом ашё ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун 40 миллиард доллар миқдоридан кредитлар берди, уларнинг миқдори умуман эълон қилинмаган баъзи кредитлар мавжуд. Бугунги кунда Хитой Марказий Осиёдан нафақат газ ва нефт импорт қилади, балки металл импортини ҳам оширмоқда. Шу билан бирга, қуйидаги камчиликларга ишора қилиб, стратегияни амалга оширишга шубҳа билан қарашлар мавжуд. Биринчидан, ташаббуснинг умуман амалга оширилишига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хавфсизлик масалалари. Хусусан, Марказий



Осиё ва Жанубий Осиё давлатларида коррупционер амалдорлар нафақат инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш жараёнини секинлаштириши, балки вақти-вақти билан маҳаллий аҳоли норозилик билдириши ва ўзлари учун яхши шароитларни талаб қилиши мумкин.[4]

Иккинчидан, Россия ва Ҳиндистон каби Евроосиёда, АҚШ ва Япония каби Осиё ва Тинч океани минтақасида геосиёсий рақобатчилар томонидан очиқ тўсиқлар мавжуд. Масалан, Хитой-Покистон иқтисодий коридорининг ташаббуси доирасидаги лойиҳалардан бири Ҳиндистон томонидан кучли қаршиликка сабаб бўлмоқда. Пекин ўз таъсир доирасига учинчи давлатларни жалб қилиши мумкинлиги очиқ савол бўлиб қолмоқда. Пекиннинг ўзи ҳозиргача бу саволларидан қочиб келади ва хавфсизлик бўйича мажбуриятларни олишга тайёрлигини очиқ билдирмади.

Ва ниҳоят, Осиё тараққиёт банки ва Ипак йўли жамғармаси Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондига алтернативини қай даражада яратиши мумкин, деган савол ҳам туғилади. Айрим таҳлилчиларнинг фикрига кўра Осиё банки Вашингтон консенсусига алтернативини яратади, аммо ҳозирги пайтда банкнинг глобал молиявий ва иқтисодий ўйинчи сифатидаги ролига баҳо бериш қийин.

Шундай қилиб, бир томондан, ХХРнинг "Бир макон - бир йўл" ташаббуси Евроосиёда, хусусан Ўзбекистонда иқтисодий инвестициялар ва инфратузилмавий имкониятлари нуқтаи назаридан энг ҳаётий лойиҳадир. Бошқа томондан, Россия ва Хитой, АҚШ ва Хитой, Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги геосиёсий зиддиятлар, хавфсизлик, тили-маданияти муаммолар билан боғлиқ тўсиқларни келтириб чиқариши мумкин. Ўзбекистон ҳам инфратузилмавий лойиҳаларини маъқуллаб, иқтисодий гигантга тобора кўпроқ қарам бўлишдан кўрқишади. Шу билан бирга, Ташаббуснинг муваффақияти ва самарадорлиги кўп жиҳатдан Хитойнинг коррупция ва иқтисодий ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга тайёрлигига боғлиқ бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. (2017). "Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз".-Тошкент, Ўзбекистон. б.403

2. Фролова И.Ю. Китайский проект "Экономический пояс Шелкового Пути": развитие, проблемы, перспективы // Проблемы национальной стратегии. - № 5 (38). - 2016. - С. 47-67.

3. Лихуа Х. Перспектива стыковки стратегии "Один пояс - Один путь" и ЕАЭС // Управленческое консультирование. - № 11. - 2015. - С. 66-70.

4. Сергеев М. Пекин дипломатично подвинул путинский проект Евразийского союза. // Независимая газета. 14.10.2013. //URL: [http://www.ng.ru/economics/2013-10-14/1\\_pek.html](http://www.ng.ru/economics/2013-10-14/1_pek.html)

5. Выступление Си Цзиньпина в МГИМО, 22 марта 2013 г. //URL: <https://www.youtube.com/watch?v=3jw1US3TksY&feature=youtu.be>



## СХОДСТВА И РАЗЛИЧИЯ МЕЖДУ ЮРИСТАМИ И АДВОКАТАМИ

**Юсуповой Махлиё**  
**Студентки Узбекского Государственного**  
**Университета Мировых Языков факультета**  
**Теории перевода**  
**+998903258948**  
**yusupovamakhliyo98@gmail.com**

*Аннотация: В статье предоставлены результаты исследования профессионального сообщества узбекских адвокатов, также отражающие волю правового государства-общества, а также деятельность юристов и адвокатов; основные различия в их деятельности, сходства, их отношения с людьми, уровень правовой культуры, этика отношений между человеком; В статье предпринята попытка взглянуть на адвокатскую профессию с точки зрения практик, которые осуществляют ее представители, а не внешних атрибутов.*

*Annotatsiya: Maqolada Davlatimiz advokatlari va yuristlari doirasida o'tkazilgan tadqiqot natijalari keltirilgan, shuningdek, advokatlar va yuristlar faoliyati; huquqiy davlatning irodasini aks ettiruvchi omillar ularning faoliyatidagi asosiy farqlar, o'xshashliklar, jismoniy shaxslar bilan munosabatlari, huquqiy madaniyat darajasi, yuridik shaxs va jismoniy shaxs o'rtasidagi munosabatlar etikasi; yoki advokatlik kasbiga tashqi belgilar emas, balki uning vakillari amalga oshiradigan amaliyotlar nuqtai nazaridan qarashga harakat qilinadi.*

*Annotation: The article presents the results of a study of the professional community of in our Country's lawyers and advocates , likewise, factors reflecting the will of the rule of law state society, as well as the activities of lawyers and advocates; the main differences in their activities, similarities, their relations with people, the level of legal culture, ethics of relations between a legal entity and a person; or , the legal profession of advocacy is sought from the point of view of the practices that are carried out by its representatives, rather than external attributes.*

Юристы - не адвокаты и фрилансеры, консультирующие третьих лиц, но не участвующие в суде и осуществляющие представительство в ограниченных случаях (например, при регистрации юрлица, совершении сделки и др.) [?]

Они не могут участвовать в процессуальном представительстве, но наряду с адвокатами, допущены к иной представительской и публичной консультационной деятельности в следующих сферах:

Адвокаты - квалифицированные лица, имеющие право подавать состязательные бумаги, действовать за и от имени своих клиентов - третьих лиц, выступать в суде или консультировать и представлять своих клиентов по правовым вопросам (цитата из Рекомендаций Комитета министров Совета Европы "О свободе осуществления профессии адвоката", 2000 г.) [?]

Как выяснилось, многие не юристы не понимают в чём разница между юристом и адвокатом. Постараемся раскрыть этот вопрос.

1. "Виды" (или направления профессионального развития) юристов.

Юристы, как врачи, учителя, инженеры и т.д. имеют свою специализацию, заняты в разных сферах - прокуратура, адвокатура, судебная система, силовики (частично), депутаты, юристы-инхаусы (работающие по найму в компаниях), юристы-частники (как физические лица, так и юридические компании), нотариусы и т.д. У каждого из них своя специализация, и не всегда юрист-нотариус понимает



прокурора, или юрист-инхаус понимает силовика. Здесь даже дело не в квалификации юриста (хотя этот вопрос тоже часто имеет место), но и в тех отраслях законодательства, с которыми сталкиваются юристы на практике. Приведу некоторые из них - прокурорский надзор, нотариат, адвокатура, гражданский, административный, ювенальный судебный процесс, медиация, гражданское право (договорные взаимоотношения, вопросы наследства, авторского права и т.д.), семейное законодательство, сельскохозяйственное, налоговое, ИТ, международное право, строительство и прочее. Понятно, что обращаться лучше всего к тому юристу или адвокату, который имеет соответствующие знания и опыт по требуемому вопросу. Ниже рассмотрим более подробно адвокатов и юристов.

## 2. "Допуск к профессии"

Как и у других специалистов, указанных выше, "допуск к профессии" разных направлений юристов бывает разным. Так, адвокаты - это дипломированные юристы, прошедшие стажировку до 1 года у действующего адвоката, сдавшие экзамен в Министерстве Юстиции и получившие (ОБЯЗАТЕЛЬНО!) лицензию адвоката (адвокат без лицензии - это не адвокат!). Частные юристы, работающие в юридических компаниях, могут работать на основании дипломов юриста. Юридические компании работают на основании устава, а юристы-частники - как индивидуальные предприниматели, не лицензируются и не подотчётны никому. В этой ситуации следует обращать внимание на квалификацию и опыт юристов.

## 3. Уровень полномочий

1. Адвокаты, в отличие от юристов-не адвокатов, могут участвовать в уголовных процессах (юристы вообще этого не могут), административных процессах (юристы могут защищать только юридических лиц за некоторыми исключениями) и в гражданских процессах (юристы могут участвовать в процессе наравне с адвокатом).

2. Ответ на запрос адвоката должен предоставляться в течение 10 рабочих дней. При этом адвокату могут отказать, если его запрос непосредственно не связан с делом, которое он ведёт. Адвокат может запрашивать любую информацию, в том числе личную (частную) и конфиденциальную, у любых органов власти. Это - его основное отличие от юриста.

Юрист может запрашивать получать лишь информацию, не связанную с личной (частной) жизнью доверителей, если только соответствующих полномочий у него нет в доверенности. У юриста нет допуска к госсекретам и к корпоративной конфиденциальной информации за некоторыми исключениями.

3. Адвоката нельзя допросить, он и его документы как при себе, так и в офисе нельзя досматривать. Юриста досматривать можно, но, ввиду того, что он работает только по гражданским и административным делам, этот досмотр интереса у государственных органов не имеет. Если же такой досмотр проводится, то он должен быть соответствующим образом запротоколирован в присутствии двух понятых, что затрудняет возможные перегибы.

4. Адвокат имеет право видаться со своим подзащитным в условиях конфиденциальности всегда, везде и любое время. Юрист в уголовных делах не участвует.

5. Адвокат имеет право беспрепятственного входа в здание прокуратуры, судов, МВД. У юриста, ввиду того, что он не занимается уголовными делами, такое право отсутствует.

## Ограничения деятельности.

Деятельность адвокатов, по сравнению с юристами, довольно сильно ограничена:

1. Адвокат должен иметь адвокатскую лицензию, но юрист для представительства





в суде (за некоторыми исключениями) диплом иметь обязан. Без лицензии адвокат - не адвокат! Лицензия выдаётся Министерством юстиции, и имеет уникальный номер, по которому можно проверить данного адвоката. Вывод - спрашивайте лицензию/диплом адвоката/юриста. Иногда бывают представители в суде или "юристы" без дипломов, но при этом хорошо знающие практическую часть работы. [?]

2. Адвокат должен состоять в коллегии адвокатов, юрист - нет. Если адвокат не состоит (или исключен) из коллегии адвокатов, то заниматься адвокатской деятельностью он не может. Исключить из коллегии его могут по причинам грубого или неоднократного нарушения адвокатской этики, законодательства, устава коллегии адвокатов, занятия предпринимательской деятельностью (!), систематической неуплаты членских взносов в коллегию, недостаточной квалификации. Эти ограничения - палка о двух концах. С одной стороны они дисциплинируют, с другой адвокат становится зависим от своей коллегии. [?]

3. Адвокаты платят единовременный членский взнос при вступлении в коллегию адвокатов, и ежемесячные взносы. Эти, а также некоторые другие особенности приводят к тому, что стоимость услуг адвокатов, в отличие от стоимости услуг юристов, обычно выше. Юристы, как становится понятно, взносов никому не платят, поэтому их услуги в среднем ниже.

4. Адвокатов могут привлекать по "бесплатным" делам (смерть, увечье, алименты, несовершеннолетние и т.д.). В этом случае его гонорар оплачивает государство. Юристы в таких делах не принимают участие..[?]

Специализация: На сегодняшний день адвокаты и юристы, если сравнивать с другими группами юристов в Республике, ближе всего подошли к классическому понятию профессии: у них есть свой этический кодекс, дисциплинарный суд, квалификационные экзамены, ритуалы посвящения, а также свою корпоративную форму профессиональной ассоциации. Адвокаты могут заниматься любым видом юридических услуг. Юристы, как указано выше, могут заниматься всеми делами, кроме уголовных и административных в части физических лиц. При этом хочется отметить, что так же, как у врачей, учителей и инженеров, и юристов, и адвокатов чаще всего специализируются на каких-то конкретных отраслях. [?]

Вывод : Таким образом, при выборе, к кому обратиться - к адвокату или юристу следует понимать, какие вопросы стоят на повестке дня (самое общее деление - гражданские, уголовные, административные, налоговые и т.д.), тщательно выбирать специалиста, к которому планируется обратиться, по опыту и уровню "допуска", а также понимать, что высокая (или низкая) цена не является показателем хорошего (или плохого) качества услуг.

#### ИСТОЧНИКИ И ЛИТЕРАТУРА

1. " Энциклопедический словарь" Брокгауза и Ефрона в 86 т (82 .т и 4 доп. ) 1890-1907 [ ?] [ ? ] ;
- 2." Юриспруденция "- Нечаев. В .М [ ? ] [ ? ] ;
- 3." "Юридический компас Узбекистана" - Хасанов.У.Н [ ? ] ;
4. "Коментарий к гражданскому кодексу Республики Узбекистан " Рахмонкулова Х. Р. и Асыянова .Ш .М (ст 262 и 311). [ ? ] .



## ОДАМЗОДНИНГ ҲАЙВОНОТДАН АЖРАТИБ ТУРАДИГАН ЧЕГАРА

**Наимова Муаззас Раимжоновна**

**Фарғона тумани 47-мактаб**

**она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:**

**99-363-73-24**

**e-mail:naima@mail.ru**

*Аннотация: Мақолада инсон маънавияти ва унинг ҳаётимиздаги ўрни, ҳақиқий инсоннинг қиёфаси ва амалга оширадиган эзгу ишлари ҳақидаги қарашлар акс этган  
Калит сўзлар: маънавият, инсон, баркамол инсон, маънавий етуклик*

Инсон учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик маънавият саналган. Миллатнинг асрлар давомида шакланган илдизлари, унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий, маданий ривожланишисиз маънавиятни тасаввур қилиш қийин. Маънавият инсониятнинг куч-қудратидир, у мавжуд бўлгандагина жамият тараққий этади. Маънавиятли одам яшашдан мақсад нималигини аниқ билади, умрини мазмунли ўтказиш йўлини излаб топади, муомала қилиш маданиятини эгаллайди, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назари билан ёндашади. Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бугунги кундаги ислохотлар шуни кўрсатадики, таълим тизимида ишлайдиган ҳар бир ходим, аввало, маънавиятли бўлиши, шунингдек, маънавият тарғиботчисига айланмоғи шарт. Ўзининг одоб-ахлоқи ва юксак маънавияти билан ўрнак бўладиган ўқитувчигина устоз деган шарафли мақомга лойиқ бўла олади. Бугунги кунда иродасизлиги, маънавий қашшоқлиги сабаб жаҳолат ботқоғига ботаётган кимсалар ҳам орамизда учраб туради. Нима учун инсон танасидаги дарддан қутилишни истайди-ю, руҳиятини булгаётган жаҳолатдан қутилишни истамайди? Чунки бадандаги дард жонга азоб беради, шунинг учун инсон ундан тезроқ қутилиш пайида бўлади. Жаҳолат еса инсонни ичдан емиради, натижада одам ҳайвоний истаклар кетидан қувиб юраверади. Агар биз ейиш-ичиш, нафсимизни қондириш учун яшасак, ҳайвондан нима фарқимиз қолади. Биз дунёга шунчаки яшаш учун келмаганмиз, ҳар биримизнинг ўз вазифамиз, мажбуриятларимиз бор. Ахир, Оллоҳ бизни бошқа махлуқотлардан фарқлаб, ҲАЗРАТИ ИНСОН қилиб яратган-ку! Шу ўринда Ўткир Ҳошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китобидан келтирилган қуйидаги гаплар фикримиз исботи бўла олади: "Одамзодни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара бор. Бу чегаранинг номи МАЪНАВИЯТ деб аталади". Айни шу жумлаларни илк бор ўқиганимда ёзувчининг сўзни муносиб ўринда қўллай олиш маҳоратига қойил қолган едим. Шу боис 11-синфларга дарс ўтиш давомида ўқувчиларга мазкур матн юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ёзишларини сўрадим. Ёзилган матнлар бир-бирига ўхшамаган, самимий, мушоҳадали бўлганлиги учун айни шу жумлаларни қуйида келтиришни лозим деб топдим:

Маънавият менинг наздимда инсониятнинг фикрлай олиш қобилиятидир. Чунки Ер юзида фикрлай олишни фақатгина инсон деган махлуқот етлайди. Яна маънавият нафсининг устидан голиб чиқишга қодир асосий куч деб биламан. Одамзодни ертасини ўйлашга, келажакнинг фаровон тасаввур қилишга ундайдиган, бугунини шунчаки яшаб ўтишга қўймайдиган ғайритабиий куч. У ирқ, дин, миллат ёки ёш танламайдиган юракнинг туб-тубидаги зулматни ёритувчи қуёшдек инсон қалбини чароғон қилади. Шундай экан, азизлар, қалб қуёшингизни асранг (Динора Холматжонова).

Одамзод нима учун кўчага манзарали дарахт екади, ахир у мева бермайди-ку.



Одамзод нима учун қушларни жуда яхши кўради ,ахир улар инсон емас-ку. Чунки Оллоҳ таоло бизга енг юқори мартаба бўлмиш инсонийлик мартабасини берди. Бошқа жонзотлардан ажралиб турувчи хислатимиз ҳам маънавиятимиз ва инсонийлигимиздадир.(Исмоилов Диёрбек)

Маънавият -инсонни руҳан, қалбан ва маънан юксалтирадиган беқиёс куч ҳисобланади. Инсон қачон маънан юксалади? Қачонки ёт гоёлардан , ёмон хулқ -атворлардан ўзини йироқ тутсагина, инсон маънан юксалади ва комил инсонга айланади. Маънавиятни инсоннинг юриш-туришидан,қийинишидан , муомала маданиятидан билишимиз мумкин (Аҳрординова Зарифахон ).

Маънавият-инсон учун енг керакли омил. Инсон маънавиятли бўлсагина, жамиятда ўз ўрнига ега бўла олади. Маънавиятни мен бешта мисол билан таърифладим: ҳиссиётли қалб, идрокли ақл, аниқ жавоб, меъёрий туйғу, ўз вақтидаги йиғи ва кулги.(Нурлибегим Аббосова)

Маънавият инсониятнинг қора ўтмишида қилган хатоларидан келажак учун сабоқ чиқарувчи, инсоннинг руҳи олами ва ички кечинмаларини намоеън қилувчи,инсониятнинг ҳозирги ҳаётдаги ўрнига асос бўлувчи билимлар негизидир (Юрсинов Азаматжон).

"Маънавият " сўзини жуда кўп эшитганмиз. Аслида маънавият биз учун нима? Менимча, ҳар доим тонгда туриб ота -онамиз, оила аъзоларимизга салом бериб, улардан ҳол-аҳвол сўрашимиз, дастурхон атрофида Оллоҳдан ризқ -рўз , хотиржамлик тилашимиз ,уйдан чиққанда еса ота-онамиздан дуо олишимиз ва кунимиз ,ҳаётимиз мазмунли ўтиши учун билим олишдаги ҳаракатимиздир. Бундан кўринадики, маънавият, аввало, одоб, имон ва виждон поклигидир (Гулғунча Маҳмуджонова).

Маънавият инсоннинг ким еканлиги ,кимнинг фарзанди ва қайси елнинг давомчиси еканлигини англатади. Маънавиятни мен кўзгуга қиёс етаман. Маънавият кўзгуси инсоннинг қалбини, ниятини ва қандай инсон еканлигини кўрсатиб беради (Сарвиноз Абдумавлонова ).

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси. 2017 йил, 22 декабрдаги нутқи. / "Халқ сўзи". 2017йил 23 декабрь. №258
2. Каримов И. Баркамол авлод орзуси. -Т.: Шарқ, 1999,183 б
3. Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008, 176 б



## OILA MA'NAVIYATI

**Toshpo'latova Dilorom Hakimjonovna**  
**Oltiariq tumani 39 -maktab**  
**Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat**  
**asoslari fani o'qituvchisi**  
**tel:90-537-52-05**  
**e-mail:dilorom@inbox.uz**

*Annotatsiya: Maqolada tarixiy an'analar, oila ma'naviyati, oila madaniyati, oilani shakllantirish bo'yicha fikr va mulohazalar keltirilgan*

*Kalit so'zlar: xalq tarixi, jamiyat, oila madaniyati, an'ana, urf-odat, muqaddas*

Odamlarimiz bilishi kerak, oila muqaddas biz uchun.

Oilani saqlab qolmasak, biz o'zligimizni yo'qotamiz.

**Sh.Mirziyoyev**

Bugungi kunda jamiyatimiz hayotining barcha sohalari qatori ma'naviy- mafkuraviy sohada tub o'zgarishlar yuz bermoqda. Bu - xalq ma'naviyatini yanada yuksaltirish davlat siyosatining eng muhim va ustuvor yo'nalishlaridan biri bo'lib qolmoqda. O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining ma'naviy asoslarini mustahkamlash, milliy qadriyatlarimiz, urf- odatlarimiz va an'analarimizni e'zozlash, xalqimiz, ayniqsa yosh avlod ongiga hamda qalbiga ona- yurtga muhabbat, istiqlolimizga sadoqat tuyg'ularini chuqur singdirish, Ona Vatanni asrab-avaylash va himoya qilish barchaning muqaddas burchidir. Bu burch va mas'uliyatli vazifalarni bajarish bugungi kun pedagoglaridan katta mahorat va tajriba talab etadi. Inson ma'naviyati, avvalambor, oilada shakllanadi. Sharqda oila qadim-qadimdan muqaddas qo'rg'on hisoblangan. O'zbek oilalarining serildizlik, serbutoqlik xususiyatlari qadim - qadimdan va hozir boshqa millat kishilarida ham hayrat, ham hurmat uyg'otgan xususiyatdir. O'zbek oilasida ayol, ona ana shu qo'rg'onning posbonlari, oilaning muqaddasligini ta'minlovchi mo'tabar insonlardir.

Sog'lom demokratik jamiyatni yaratishning muhim shartlaridan biri, avvalo, har jihatdan sog'lom, ma'naviyati yuksak, mustaqil fikrlovchi yangi avlodni tarbiyalashdan iboratdir. Chunki har bir ota-ona o'z farzandlari timsolida ezgu orzu- umidlarining ro'yobini, porloq kelajakni tasavvur qiladi. Oila inson uchun muqaddas va ulug' dargohdir. Inson ana shu dargohda tug'iladi, o'sadi, unadi va voyaga yetadi. Qadimdan oila tushunchasi muqaddas bo'lib kelgan, buni biz boy tariximiz orqali bilishimiz mumkin. Masalan, Zardushtiylikning muqaddas kitobi "Avesto"da oila muqaddas dargoh ekanligi, oila barqarorligida er va xotinning teng mas'ulligi, farzand tarbiyasi to'g'risidagi fikrlar bayon etilgan. Bu kitobda ko'rsatilishicha, oilada ota yetakchi bo'lgani ma'qul. Shuningdek, unda ifodalangan oila va oilaviy munosabatlarga hamma rioya etishi lozim bo'lgan.

Islom dinining muqaddas kitobi Qur'on va hadislarda ham odob- axloq, ayollarning turmushdagi o'rni va vazifalari, er va xotin o'rtasidagi munosabatlar, bolalar tarbiyasi, oila yuritish, nikoh va muhabbat masalalariga keng e'tibor berilgan.

Abu Ali ibn Sino "Tarbiyadan maqsad- bolaning aqliy va jismoniy quvvatini oshirishdir. Agar oilada tarbiyaning yaxshi usullaridan to'g'ri foydalanilsa, oila baxtli bo'ladi. Siz gaplashganda, fikrlashuvda xayrihohlik talablariga rioya qilgan holda ish ko'rsangiz, yo'ldan adashmaysiz, to'siqlarga duch kelmaysiz" degan edi.

Bugungi kunda oilani ijtimoiy himoya qilish va unga g'amxo'rlik ko'rsatishni huquqiy asoslari mamlakatimizning bir qator qonunchiligida o'z aksini topgan. O'zbekiston



Respublikasi Konstitutsiyasining XIV bobi to'liq oilaga bag'ishlangan bo'lib ushbu bob 4 ta moddani o'z ichiga oladi. Qonulardan tashqari o'zbek oilalarda qadimdan shakllanib kelgan, mezonga aylangan axloqiy qoidalar mavjud. Jahonning birorta mamlakatida oila va uning muommolarini bu qadar izchil va keng qamrovli ilmiy asosda o'rganish va yechishga kirishganligini tarix bilmaydi. 1998-yilda oilaga bag'ishlab Qarshi shahrida "El- yurt tayanchi" haykali o'rnatildi. Respublikamizda 1998 yil "Oila yili" deb nomlanishi buning yorqin namunasi. Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning 2018 yilda 2 fevraldagi "Xotin -qizlarni qo'llab quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatini tubdan takomillashtirish chora- tadbirlari to'g'risida"gi farmoniga asosan Vazirlar Mahkamasi huzuridagi "Oila" ilmiy- amaliy tadqiqot markazi va hududiy boshqamalari, tuman, shahar bo'limlari tashkil etildi. Mamlakatimizda oila institutini mustahkamlash borasida mutlaqo yangicha tizim ishlab chiqildi, keng ko'lamlil chora -tadbirlar amalga oshirilmoqda. Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev 2018 yil 27 iyun kuni "O'zbekiston Respublikasida oila institutini mustahkamlash Konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Ushbu qarordan asosiy maqsad mamlakatimizda oilalalar mustahkamligi yo'lida keng ko'lamlil islohotlar amalga oshirilishini ta'minlashga qaratilgan. Jahonda oila qurmay yashaydigan xalq yoki elatning o'zi yo'q, biroq ular munosabatlariga ko'ra bir-biridan farq qiladi. Har birimiz oilada dunyoga kelamiz, oilada yashab ulg'ayamiz, oilani bunyod etamiz. Qayerga bormaylik- oilaga qaytib kelamiz, kim bo'lmaylik - oila a'zosimiz. Quvonchimizu dardimiz ham oilada. Oila bir- birini seva bilish, bir-birini tushuna bilish, bir- biriga sodiq va oqibatli bo'lish, bir- birini kechira bilish maskani sanaladi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

- 1.Mirziyoev SH.M. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz.- T .:2017
- 2.Karimov. I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. -T.: Ma'naviyat, 2008
- 3.O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi
- 4.O'zbekiston Respublikasi Oila kodeksi.
- 5.O'zbekiston Respublikasi Jinoiyat kodeksi
6. Internet materiallari. [www. Lex.uz](http://www.Lex.uz). [www. Ziyonet.uz](http://www. Ziyonet.uz).
- 7.Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi-Targ'ibot ishlarini metodik ta'minlash bo'limi tomonidan yaratilgan qo'llanmalar



## ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

**Нодирабегим Курбанова**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги**

**Давлат бошқаруви академияси докторанти**

**Телефон: +998(94)6170336**

**kr.nodirabegim@gmail.com**

*Аннотация. Ушбу мақолада "модернизация" ва "сиёсий модернизация тушунчалари илмий нуқтаи назардан ёритиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистондаги сиёсий модернизация жараёнининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Бундан ташқари, сиёсий модернизация борасидаги консерватив ҳамда либерал ғоялар қиёсий таҳлил этилиб, Ўзбекистон тажрибаси мисолида кўриб чиқилган. Мавзунини ёритишда муаллиф сиёсий модернизация жараёнида мамлакатда шаклланган сиёсий маданият билан боғлиқ масалаларга ҳам тўхталиб ўтган.*

*Калит сўзлар: давлат бошқаруви, сиёсий модернизация, сиёсий тизим, демократия, сиёсий плюрализм, назария, сиёсатшунослик фани.*

Жамиятнинг янгилашиши ва ривожланиши модернизация жараёни ҳисобланади. Тор маънода ифодаласак, "модернизация" тушунчаси динамик ривожланиши бўлмаган анъанавий аграр жамиятнинг индустриал жамиятга ўтишидир. Ушбу тушунча турли соҳалар нуқтаи назаридан тадқиқ қилинса-да, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан бир хил маънога эга. Чунки унинг бирламчи моҳияти иқтисодий жараёнлар билан бевосита боғлиқ, қолганлари эса иккиламчи ва билвосита маънони англатади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедиясида "модернизация" тушунчасига қуйидагича таъриф берилади. "Модернизация - модернизациялаш (франц. moderne - энг янги замонавий) - бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабларга мувофиқ ўзгартириш. М.да машина, аппарат, турли технологик қурилмалар, муҳим кашфиётлар техника тараққиёти талабларига мувофиқ қайта ишланади" [1].

М.Қирғизбоев сиёсий модернизация назарияларининг ривожланишини таҳлил қилиб, "Модернизация - инсон тафаккурлаши ва фаолиятининг барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўп қиррали жараён" [2], деган фикрни илгари суради. Сиёсатшунослик фанларидаги сиёсий модернизация - замонавий сиёсий тизимлар, шунингдек, замонавий сиёсий институтларнинг шаклланиши, ривожланиши ва тарқалишини англатади. Сиёсий модернизация назарияси 50-60-йилларда яратила бошланган. Дастлаб ушбу тушунча мустамлака мамлакатларнинг озодликка чиқиши борасидаги Ғарбнинг сиёсатини ифодалаб, анъанавий сиёсий тизимдан замонавий саноатлашган ёки пост саноатлашган сиёсий тизимга ўтишни англатган [3].

Бундай давлатларда демократлаштириш, либерал қадриятларни институционализация қилиш, парламент тизимига ўтиш ва Ғарб ҳокимиятчилиги тамойилларини амалиётга тадбиқ этиш барча давлатларда бирдек давлат бошқаруви самардорлигига олиб келмади, балки бюрократия, коррупция, аҳолининг кескин табақалашуви, сиёсий аморфизм, зиддиятларнинг кучайиши каби ҳолатларни ҳам юзага келтирди. Буни Яқин Шарқдаги айрим мамлакатлар тажрибаси мисолида кўриш мумкин (Фаластин, Ливия, Сурия ва ҳоказолар).

Маълумки, аморфизм - шаклсизлик, сиёсий аформизм сиёсий тартибсизликни ифодалайди. Мисол учун, 2011 йилда "Россия сегодн" нашрига берган



интервьюсида Збагнев Бжезинский Мисрдаги инқироз даврида Хусни Муборак масаласида Обама администрациясига эhtiёткорликни тавсия қилиб, "ортиқча шошма-шошарлик салбий оқибатларни юзага келтириши мумкинлиги" ҳақидаги фикрни изоҳлайди: "1989 йилда Польшада муҳим сиёсий кучлар бир стол атрофида йиғилган эди. Мисрда биз бугун сиёсий аномия, сиёсий аморфизмни кўряпмиз. Шунинг учун ҳам қарор қабул қилишда эhtiёткорликка амал қилиб, у ерда ҳақиқий сиёсий тизимнинг юзага келишига шароит яратишимиз керак" [12].

Сиёсий модернизация жараёни ҳақидаги назарий ёндашувларга мурожаат қилсак, қуйидаги хулосаларни олишимиз мумкин. Консерватив йўналишдаги олимларнинг фикрига кўра, модернизация жараёни ижобий натижалар бериши учун дастлаб мустақам сиёсий институтларни шакллантириб олиш зарур (С.Хантингтон, Х.Линдс, Т.Цуратани ва бошқалар). Шу билан бирга, улар демократик кадриятлар борасида либераллар билан бир хил ёндашувда бўлиб, сўнгги мақсад сиёсий модернизация эканлигини таъкидлайдилар ва бунга эришиш учун, аввал, марказлашган сиёсий институтлар ёрдамида жамиятда тартиб ўрнатиш бўйича модернизациянинг альтернатив шакллари тавсия қиладилар.

Либерал йўналишдаги олимлар эса (Г.Альмонд, Р.Даль, Л.Пай ва бошқалар) сиёсий модернизацияни муваффақият билан амалга ошириш учун вакиллик демократияси институтлари фаолиятига халқни кенг жалб қилган ҳолда сиёсий элиталарга эркин рақобат учун шароитлар яратиш лозим, деган фикрни илгари сурадилар [3].

Ўзбекистоннинг сиёсий модернизация жараёни борасидаги тажрибасига аҳамият қаратсак, тарихан ушбу мамлакат жойлашган ҳудуд бир неча тамаддунларнинг гувоҳи бўлган. Чунки қадим даврларданоқ Ўзбекистонда давлатчилик тамойилларига асос солиниб, мазкур ҳудудда ўзига хос ривожланиш босқичлари бўлиб ўтган. Бундан ташқари, бу ерда демократия тамойилларининг жорий қилиниши жараёни ҳам муҳим тарихий воқеалар билан боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнини таҳлил қилишда, унинг замонавий дунёда мустақил мамлакат сифатидаги халқаро майдонда тенг ҳуқуқли субъект бўлиб пайдо бўлган даврдан бошлаб ўрганиш зарур бўлади. Сабаби ушбу даврга қадар мазкур мамлакат тарихан кўп босқинларни кўрган ҳудуд сифатида турли тамаддунлар асосида ривожланиб келган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда мустақил мамлакат сифатида собиқ иттифоқ таркибидан чиқиб, ўзининг ривожланиш моделини танлади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, мамлакатимизда ушбу даврдан бугунги кунга қадар амалга оширилган сиёсий модернизация жараёни ҳам икки босқичдан иборат. Хусусан:

1. Миллий ўзликни анлаш - 1991-2016 йилларда босиб ўтилган тарихий давр.
2. Янги тараққиёт босқичига ўтиш - 2016 йилдан кейинги даврларни ўз ичига олади.

Дастлабки даврда юртимизда амалга оширилган сиёсий модернизация жараёни консерватив-либерал ғоялар асосида ўз ривожини топди. С.Хантингтон, Х.Линдс, Т.Цуратани ва шу каби бошқа олимларнинг ғояларида илгари сурилган сиёсий модернизация йўлидан борилди. Яъни миллий ўзига хосликни ифодаловчи "ўзбек модели" ғояси асосида мамлакатда дастлаб марказлашган сиёсий институтлар ташкил этилди. Марказий аппарат бўйсинувидаги давлат бошқаруви органлари шакллантирилди. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки даврларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир вақтнинг ўзида давлат ҳамда ҳукумат раҳбари сифатида фаолият юритиши фикримизга далил бўла олади. Шунингдек, мамлакатда мустақил ҳудудий бошқарув органлари (вилоят, туман ва шаҳар кесимидаги



ҳокимликлар) бевосита Президент олдида ҳисобдор бўлиб, вилоят ҳокимлари мамлакат раҳбарининг қарорига мувофиқ лавозимга тайинланиши ва унинг олдида ҳисобдорлиги принципи устуворлиги таъминланган. Ушбу тамойил хали ҳам мамлакатимизда амал қилмоқда. Бироқ бугунги кунда Президент Ш.Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларда барча даражадаги ҳоким, прокуратура ва ички ишлар органларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, шунингдек, аҳоли олдида ҳисоботларини эшитиш тартиби ва механизмларини ҳуқуқий тартибга солиш чора-тадбирлари назарда тутилмоқда [4].

2017 йилда Президент Ш.Мирзиёев давлат бошқарувини ислоҳ қилиш ва қонун устуворлиги ҳамда инсон манфаатларини таъминлаш борасида фикр билдириб: "Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак. Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин" [5], деган хулосаларни қилди. Шунингдек, миллий хусусиятлар асосида шакллантирилган ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла институти бошқаруви ҳам фуқаролар томонидан сайланса-да, мазкур институт туман ҳокимлиги олдида ҳисобдор бўлган. Мазкур соҳа фаолиятини тартибга солувчи қонун лойиҳасининг 53-моддасига "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ходими хизмат вазифаларини бажаришда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига бўйсунмайди ва фақат фуқаролар йиғини олдида ҳисобдордир" деган меъёрни киритиш таклифи илгари сурилди [6].

Бундан ташқари, истиқлолнинг илк кунлариданоқ, Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи олий органи ташкил этилиб, кейинчалик бир палатали (1991-2004 йиллар), сўнг икки палатали (2005 йилдан ҳозирги пайтгача) парламентга ўтказилди. "Ўзбекистон қонун чиқарувчи олий органининг қарор топиши ўзига хос жиҳатларига эга. Бу, аввало, тарихий ўтмишга боғлиқ. Миллий ўзлик давлат қурилишининг турли шакл ва усулларини назарда тутди. Шундай қурилишнинг танлаб олинган муайян усули эса миллий-тарихий ўзига хослик билан умумжаҳон тамойилларининг синтезидир... Унда тарихий даврнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳар бир алоҳида мамлакатнинг ижтимоий ва давлат ҳаёти, миллий анъаналари, халқнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий хоҳиш-иродаси намоён бўлади. Табиийки, ижтимоий амалиётнинг ривожини, тарихий тараққиётнинг кечиши мамлакат қонун чиқарувчи органи тўғрисидаги назарий тасаввурларни ҳам ўзгартириб боради" [7]. Таъкидлаш жоиз, ушбу даврда мамлакатни демократлаштириш соҳасида консерватив ғоялар устувор бўлгани билан демократиянинг муҳим тамойилларидан бири сиёсий плюрализм ғояларига амал қилинган. Хусусан, мамлакатда дастлаб 4 та партия - Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолият юритган. Бир палатали парламентнинг иккинчи чақириғида эса (2000-2004 йиллар) бешта партия - "Адолат" социал-демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партияси, Фидокорлар миллий-демократик партияси, Халқ-демократик партияси бўлиб, кейинчалик "Ватан тараққиёти" ва "Фидокорлар" партиялари битта "Фидокорлар" партиясига бирлашган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида бешта сиёсий партия ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Улар - Ўзбекистон либерал-демократик партияси; "Адолат" социал-демократик партияси; "Миллий тикланиш" демократик партияси; Халқ-демократик партияси; Ўзбекистон экологик партияси.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов қарори (2005 йил 10 март) билан тасдиқланган





Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастурида белгиланган устувор йўналишлар ҳамда аниқ мақсадли вазифалар асосида ишлаб чиқилган 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастури қабул қилинди.

Мамлакатни модернизациялаш жараёнининг кейинги муҳим тарихий санаси 2010 йил 12 ноябрь бўлиб, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусида маъруза қилиб, унда мамлакатда амалга оширилиши зарур бўлган демократик ислоҳотларни белгилаб берди. Хусусан, И.Каримов давлат бошқаруви соҳасини ислоҳ қилиш борасида қатор таклифларни илгари суриб, "...Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш" [8] бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларини янги таҳрирда қабул қилиш бўйича тавсиялар берди. Унга кўра, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни [9] қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилди ва айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколати доирасидан чиқарилди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу даврда Ўзбекистон Республикасида сиёсий модернизация жараёни консерватив-либерал ғоялар асосида шаклланиган фуқаролар орасида тобелик типидagi сиёсий маданиятнинг ривожланишига олиб келди. Фуқаролар демократия тамойилларни яхши тушунса-да, сиёсий жараёнлардаги иштироки асосан давлат раҳабари томонидан илгари сурилган ғоялар асосида яратилган шароит ёки буйруқларга мувофиқ таъминланар эди. Яъни фуқаролар ҳар қандай сиёсий ташаббусга эркин фуқаролик позицияси билан муносабат билдира олмас эдилар. Бундай ҳолат, ҳатто, миллий оммавий ахборот воситалари журналистлари фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланар эди. Сўз ва ахборот эркинлиги ҳамда цензурага йўл қўйилмаслиги қонун билан мустаҳкамланиб қўйилган бўлса-да, фуқаролар фикрларида ички цензура устуворлик қиларди.

И.Рамазонов ва Э.Мўминовлар таъбири билан айтганда, шахснинг сиёсий маданияти шаклланиши ўз-ўзидан рўй бермайди. Бунинг учун маълум шарт-шароитлар бўлиши талаб этилади. Ана шундай шароитлардан бири жамиятнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳисобланади [10]. Н.Жўраев эса "Инсон қачонки ўзини инсон сифатида ўз қадр-қимматини англаса, инсонлик моҳиятини тушунса, у миллий манфаатлар, миллий қадриятлар, миллий ифтихор доирасидан чиқиб кетади. Олам ва одам ўртасидаги муносабатлар, инсон ва инсоният ўртасидаги боғлиқликлар ҳақида ўйлашга қодир бўлади" [11], деган ғояни илгари суради. Бугунги кунда ушбу имкониятлар модернизациянинг янги босқичига чиқаётган Ўзбекистон ҳаётига чин маъно кириб келаётгани айни ҳақиқатдир. Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегияси доирасида эришилган ютуқлар фикримизнинг далилидир.



#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. Мирий-Пархиш. Таҳрир ҳайъати А.Абдуваҳитов, А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2003. 43-б.
2. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. -Т.: Янги аср авлоди. 396-б.
3. Зимин В.А. Политическая модернизация и её теории. Вестник КГУ им. Н.А. Некрасова, №3, 2012. Стр.146-148.
4. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.
5. Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. - Т.: Ўзбекистон, 2017. 19-б.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали. 03.06.2019-19.06.2019.
7. Парламент тарихи. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайти. 10:12:49 (GMT +5), 8 Октябрь 2019. - URL: <http://parliament.gov.uz/uz/about/history/index.php>
8. Каримов И. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатмиз тараққиётининг асосий мезонидир. - Т.: Ўзбекистон, 2011. 46-б.
9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011. 4-б.
10. Рамазонов И., Мўминов Э. Политология (дарслик). -Т.: Адолат, 1997. 231-б.
11. Н.Жўраев. Ўзбекистон - тинчлик ва тотувлик мамлакати. Ўзбекистон - страна мира и согласия. Конференция мақолалари тўплами. -Т.: Ўзбекистон, 2017. 328-б. 326-331-б.
12. Натали Нугайред. Асимметричный мир Збигнева Бжезинского. Сетевое издание ИноСМИ.RU: Россия сегодня. 02.04.2011. URL: <https://inosmi.ru/world/20110402/167979790.html>).



## MILLIY TIKLANISH VA YUKSALISHNING YOSHLAR SOTSIAL-SIYOSIY QIYOFASIDA NAMOYON BO'LISHI

**Dilrabo Fazilova Xudaykulovna**  
**Jizzax VXTXQTMOHM, katta o'qituvchi**  
**+998915982991**  
**dilrabofazilova18@gmail.com**

### *Annotatsiya*

*Ushbu maqolada mamlakatimizda milliy tiklanish va yuksalishning yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasida namoyon bo'lish jihatlari tahlil etilgan. Hamda milliy tiklanish va yuksalishning yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasidagi ta'siri ko'rsatib berilgan.*

*Kalit so'zlar: globallashuv jarayonlari, yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasi, milliy tiklanish va yuksalish, yoshlarga oid davlat siyosati.*

O'sib kelayotgan yosh avlod har tomonlama mukammal irodali, sof vijdon bilan kamolga etishi uchun, eng avval, ma'naviy-ma'rifiy faoliyatimizni yuksak darajaga ko'tarishning ahamiyati beqiyos ulug'dir[1,17-bet].  
Islom Karimov

Mamlakatimizni milliy tiklanish va yuksalish jarayonlarida yoshlar siyosiy faolligini oshirish taraqqiyotning muhim omilidir. O'zbekiston aholisining salmoqli qismini tashkil etayotgan yoshlar mamlakatimizni istiqboldagi taraqqiyotini ta'minlovchi asosiy kuch hisoblanadi. Shuning uchun ham bugungi kunda yoshlarga e'tibor har qachongidan ham ortmoqda.

Yoshlar!? Bugungi kunda jahon mamlakatlarida yoshlar tushunchasiga nisbatan turli xil yondashuvlar mavjud. Xususan, BMTning ixtisoslashgan tashkiloti YUNESKO 17 yoshdan 25 yoshgacha bo'lganlarni yoshlar qatlamiga kiritadi. Yevropa Ittifoqi davlatlarida 16 yoshdan 30 yoshgacha (ba'zan 35 yoshgacha) bo'lgan aholi vakillari yoshlar sifatida e'tirof etiladi. Shuningdek, MDH davlatlarining aksariyatida 14 yoshdan 30 yoshgacha bo'lganlar yoshlar hisoblanadi, ammo Ukrainada 14-35, Qozog'istonda 14-29 yoshlilar ushbu toifaga kiritiladi [2,252-253-betlar]. Mamlakatimizda esa 14 yoshga to'lgan va 30 yoshdan oshmagan shaxslar yoshlar hisoblanadi[3].

Aholi soniga nisbatan oladigan bo'lsak yoshlar miqdori 1991 yil 20 noyabrda qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatining asoslari to'g'risida"gi qonunga keltirilgan izohlarda, 14 yoshdan-30 yoshgacha bo'lgan yigit-qizlar O'zbekiston aholisining 33.3 foizini tashkil etgan[4]. Bugungi kunda esa bu ko'rsatkich 30 foizni[5] tashkil etadi. Mamlakatimizda 18 yoshgacha bo'lgan yoshlar aholing 40 foizini, 30 yoshgacha bo'lganlar esa 64 foizdan ko'prog'ini tashkil etadi.[2,252-bet] Bu ko'rsatkichlar O'zbekistonning istiqboldagi taraqqiyoti kelajak avlod qo'lida ekanligini bildiradi.

Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari odimlab borayotgan davlatimiz siyosati yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasiga ham o'z ta'sirini o'tkazmoqda. Bugungi avlod mamlakatimizning milliy tiklanish va yuksalish jarayonlarida o'ziga xos pozitsiyaga ega bo'lib, bu pozitsiya ularning sotsial-siyosiy qiyofasida o'ziga xos turdagi xarakterda namoyon bo'lmoqda.

-Yoshlarning mamlakatimizni milliy tiklanish va yuksalish jarayonlariga kamarbastaligi, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqligi hamda bu borada amalga oshirilayotgan islohotlarning maqsad va mazmunini chuqur anglashi, yangi munosabatlarga intilishi, izlanishi, o'z ijtimoiy ovozigaga ega bo'lishi uchun harakat qilishi, o'ziga va idrokiga ishonchining ortishi, o'z salohiyatini jamiyat taraqqiyoti uchun sarflashga tayyor turishi,



shaxs sifatida komillikka intilishi, o'z kamolotini jamiyat taraqqiyoti bilan bog'lashi, bunyodkorlik ishlarida faol ishtirok etishi, hayotga ochiq nazar va sofdillik bilan qarashi ularning sotsial-siyosiy qiyofasida milliy tiklanish va yuksalishning ijobiy natijasi mavjudligini ko'rishimiz mumkin.

-Yoshlar orasida g'arbona demokratiyani ilgari suruvchi, o'z manfaatini ustun qo'yuvchi, "ommaviy madaniyat"ning ayrim elementlarini yoqlovchi, qadriyatlarni zamonaviy odatlar bilan kamsituvchi va bir so'z bilan aytganda davlatimiz siyosati va boshqaruviga to'g'ri kelmaydigan qarashlariga egaligi, davlat hokimiyati boshqaruviga ishonchsizligi natijasida o'z ijtimoiy holatidan noroziligi hamda kelajagini tasavvur qila olmasligi, siyosiy jarayonlarga loqayd bo'lgan sotsial-siyosiy qiyofalarning tushkun kayfiyat ko'rinishlari ham yo'q emas.

-Yoshlar o'rtasida befarqlik, loqaydlik holatlari, hech narsaga qiziqmaslik, kundalik hayotining o'tganligi bilan cheklanib qolish holatlari, boqimandalik, har qanday xatti-harakatlarga munosabatsizligini namoyon qiluvchi qiyofalarning ham ayrimlari mavjud.

Bu turdagi ayrim yoshlarimiz jamiyat uchun hech qanday naf keltirmaydi. O'z faoliyatlarida oldinga intilmaydi va natijada muvaffaqiyatga ham erishmaydi. Bu borada buyuk alloma Najmiddin Kubro "Muvaffaqiyatni-sa'y-harakatda, muvaffaqiyatsizlikni esa-loqaydlik va dangasalikda ko'rdim"-deb, bejizga aytmagan ekanlar.

Yoshlar qatlamining bu turdagi qiyofalari ularning jamiyatdagi o'rnini belgilabgina qolmasdan, rivojlanish jarayonlariga ham o'z ta'sirini o'tkazmoqda. Bu jarayonlar birinchidan, aktiv bo'lgan yoshlar qatlamiga qisman bo'lsada o'z ta'sirini o'tkazmoqda. Ikkinchidan, jamiyatning har qanday rivojlanishiga, yaratilgan imkoniyatlarga befarq, loqayd bo'lgan yoshlarni ham o'z atrofida birlashtirishmoqda. Uchinchidan, o'zidan keyingi yosh avlodga, farzandiga shaxsiy namuna bo'la olmaydigan yosh ota-onalar sinfi shakllanmoqda. Bu borada ma'rifatparvar Abrauf Fitrat shunday degan edi, "Xalqning aniq maqsad sari harakat qilishi, davlatmand bo'lishi, baxtli bo'lib izzat-hurmat topishi, jahongir bo'lishi yoki zaif bo'li xorlikka tushishi, baxtsizlik yukini tortishi, e'tibordan qolib, o'zgalarga tobe va qul, asir bo'lishi ularning o'z ota-onalaridan bolalikdan olgan tarbiyalariga bog'liq". To'rtinchidan, bu jarayonlar mamlakatimizni ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy rivojlanishida, ayrim xududlarda ishsizlikni ortishiga natijada kambag'allik darajasini oshib ketishiga sabab bo'lmoqda.

Nafaqat davlatimiz, balki sayyoramizning ertangi kuni, farovonligi farzandlarimiz qanday inson bo'lib kamolga etishi bilan bog'liq. Bizni o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala-bu yoshlarimizning odob-ahloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgarayapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim - yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin[6].

Shuning uchun ham mustaqillikning ilk kunlaridanoq mamlakatimizda milliy tiklanish jarayonlarida yoshlar siyosiy faolligi, ijtimoiy hayotdagi pozitsiyasiga katta e'tibor berib kelinmoqda. Mamlakatimizda yoshlarni milliy an'ana va qadriyatlarimizga hurmat, insonparvarlik va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ma'naviy salohiyatli va jismonan sog'lom avlodni voyaga etkazish, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasida amaliy ishlar amalga oshirilmoqda. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi demokratik davlat qurish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish borasidagi islohotlarda yoshlar faolligini oshirish bilan bog'liq bir qator yangi va muhim vazifalarni belgilab berganini alohida qayd etish joiz. Shu bilan birga O'zbekiston Respublikasining "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonuni bugungi davr talablariga mos ravishda har tomonlama barkamol, mustaqil fikrlaydigan, mamlakatimiz istiqboli uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir,



tashabbuskor, xalq manfaati yo'lida bor salohiyatini safarbar qiladigan, shijoatli yoshlarni tarbiyalash, ularning intellektual va ijodiy salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun mustahkam huquqiy poydevor yaratildi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov I.A. O'zbekistonning o'z taraqqiyot yo'li. T.: "O'zbekiston", 1992, 17-bet.
2. "Yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish strategiyasi: mavjud vaziyat va rivojlantirish istiqbollari" mavzusidagi ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. T. "Tafakkur bo'stoni", 2019, 252-253-betlar.
3. <https://lex.uz>. "O'zbekiston Respublikasining yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi qonuni. 2016 yil 14 sentabr.
4. Xalq so'zi gazetasi, 1991 yil 22 noyabr. "O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatining asoslari to'g'risida"gi qonun. 1991 yil 20 noyabr.
5. [kun.uz](http://kun.uz). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning "Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo'yicha muhim vazifalar" mavzusidagi ma'ruzasi. 2019 yil 19 mart.
6. <https://president.uz>. Shavkat Mirziyoyev. Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimiz sofligini asrash-davr talabi" mavzusidagi ma'ruza. 2019 yil 15 iyun



## "IJTIMOIY FANLARNI QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUV"

**Namangan viloyati Norin tumani**  
**4-sonli maktabning tarix fani o'qituvchisi**  
**Qirgizova Tursunoy**  
**Tel: 942720285**  
**Email: tursinoysuin@gmail.com**

*ANNOTATSIYA: Ijtimoiy fanlarni o'qitish yuzasidan takliflar. O'qituvchi dars faoliyatida qo'llash mumkin bo'lgan usul va metodlar.*

*KALIT SO'ZLAR: Aqliy jarayon, metod, "Reja " metodi, "Munosabat" metodi, "Suhbat" metodi, "SAN" metodi*

Bugungi kunda ta'lim sohasida pedagogik innovatsiya va ta'lim jarayonini yangilash go'yalarining paydo bo'lishi o'qituvchi faoliyatini yangilanishini talab etmoqda. Ijtimoiy fanlar o'qitishning asosiy maqsadlaridan biri bu kreativ rivojlantirishdir. Kreativlik yangi betakror g'oya yarata olish qobiliyatidir. Fikrlash, g'oya va yechimga olib boruvchi aqliy jarayon: shaxsning yangi g'oyalarini yaratish va qabul qilishga tayyorligini tavsiflovchi qobiliyatdir.

Respublikada o'quvchi shaxsi va qiziqishlari ustuvorligidan kelib chiqib, ularning yosh xususiyatlariga mos ravishda tayanch va fanga oid kompetensiyalardan foydalanish nazarda tutilgan.

Ijtimoiy fanlarni o'qitishda ham kompetensiyaviy yondashuv O'zbekiston kelajagi uchun munosib kadrlarni tarbiyalashda muhim dasturul amal bo'la oladi. Kompetensiya so'zi lotincha so'z bo'lib, "munosib bo'lmoq", "loyiq bo'lmoq" degan ma'nolarni anglatadi. Biz qachonki ta'lim jarayoniga kompetensiyaviy yondashsagina, o'quvchilar egallagan bilim va ko'nikmalarini hayotda kerakli vaziyatda qo'llay biladigan shaxsga aylanadilar. Bugungi rivojlangan jamiyat ham aynan mana shunday shaxslarga ehtiyoj sezmoqda.

O'qituvchi 45 daqiqalik dars uchun dars mavzusiga mos ravishda darsning ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlarini tanlaydi. O'qituvchining o'quvchilar bilan salomlashish jarayonidan to uyga vazifa berilgunga qadar bo'lgan barcha jarayon va topshiriqlar ana maqsadning amalga oshirilishiga xizmat qilishi zarur. Ushbu jarayonda har bir o'quvchini uning qiziqishlariga mos ravishda yo'naltirish ta'lim sifatini yanada oshiradi.

Ijtimoiy fanlar uchun doimo "REJA" metodini qo'llash maqsadga muvofiqdir. Metod o'quvchilar tomonidan muayyan bo'lim yoki boblar bo'yicha o'zlashtirilgan nazariy bilimlar asosida pedagogik faoliyatni tashkil etishga oid rejani ishlab chiqish ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi. Uni qo'llash o'quvchilardan o'rganilayotgan mavzu mazmunini puxta o'zlashtirish, asosiy g'oyalarni umumlashtirish, ma'lum tizimga solish layoqatiga ega bo'lishni taqozo etadi.

"Munosabat" metodi o'quvchilarga mavzu bo'yicha o'zlashtirilgan nilimlarni erkin bayon qilish, mazmunini o'z fikri, hayotiy misollar yordamida yoritilishini taminlashga xizmat qiladi.

"Suhbat" metodi pedagogik kuzatish chogida o'quvchining kreativlikka oid bilimlarini boyitish vaziyatga to'g'ri baho berish, muammoning yechimini topishga imkon beruvchi pedagogik shart sharoitlarni yaratish, tajriba sinov ishlar sub'ektini imkoniyatlarini muammo yechimiga jalb etishga yordam beradi.

"SAN" metodining maqsadi- o'quvchilarda yakka, jamoaviy guruh bilan ishlash ijodiy va tashkilotchilik ko'nikmalarini, ishga ma'suliyat bilan yondashuvni shakllantirish, bezash ishlari ko'nikmalarini rivojlantirishdan iborat.

Xulosa qilib aytganda, umumta'lim tizimida innivatsion rivojlanish, ilg'or halqaro tajriba va jamiyatning zamonaviy talablarigamuvofiq sifatli ta'lim olish imkoniyatlarini yaratish



bizning oldimizda turgan vazifalardan biridir. Maqsadimiz o'sib kelayotgan yosh avlodni ma"naviy -axloqiy va intellektual rivojlanishini sifat jihatidan yangi darajaga ko'tarishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Jahon tarixi. 10-sinflar uchun darslik. N. Jo'rayev, A. Zamonov T. 2018
2. Metodik tavsiyalar. Toshkent. 2019
3. Jahon tarixi 11-sinf. Toshkent. Turib. 2019 y



## POLITOLOGIYA HAQIDA UMUMIY TUSHUNCHALAR

**Rahmonova Xurshida**  
**Samarqand davlat universiteti**  
**Telefon: +99899 777-65-72**  
**XurshidaRakhmanova@gmail.com**

*Anotatsiya: Ushbu maqolada politologiya faning tarixi, obyekti va predmeti uning yo'nalishlari va mustaqillik yillarida ushbu fanning rivojlanishi haqida muhokama qilinadi.*

*Kalit so'zlar: Politologiya, siyosat, ijtimoiy hodisa, parlament hukumat, siyosiy partiya*

Politologiya yunon tilida - poliz, hamda -Logoz -davlat, ijtimoiy ish, uni o'rganish ta'limot ma'nosini anglatadi.

Politologiya - jamiyatning siyosiy tizimi, siyosat, siyosiy jarayonlar va siyosiy hokimiyat, uning asosiy tarkibiy qismlari, davlat hokimiyati, siyosiy partiyalar, siyosiy tashkilotlar va harakatlar bilan o'zaro munosabatda bo'lgan turli ijtimoiy guruhlar, fuqarolarning o'rni va roli xokimiyatga munosabat, uni saylab turish mexanizmi va vositalari, jarayonlari hamda amaliyotni o'rganadigan fandır.

Politologiya siyosat to'g'risida yaxlit, tugal tasavvurni beradigan fan hisoblanadi. Politologiya fani boshqa ijtimoiy fanlardan farqli ravishda jamiyatning siyosiy jarayonlari to'g'risida fikr yuritadi.

Jamiyatning siyosiy hokimiyati, bu hokimiyatning mohiyati va tuzilishini aniqlash, uni jamiyatda taqsimlanishi hamda uning mexanizmlarini bilish politologiya fanining muhim ob'ekti hisoblanadi. Yaxlit ijtimoiy xodisa sifatida siyosatning mohiyatini yoritish politologiyaning predmetidir. Politologiya fani asosiy e'tiborni siyosiy institutlarning asl mohiyatini tashkil etgan davlat, parlament, hukumat, siyosiy muassasalar va partiyalar rolini o'rganishga qaratadi.

Siyosiy munosabatlar asosli siyosiy partiyalararo, shuningdek, davlatlararo munosabatlar tarzida amalga oshiriladi va namoyon bo'ladi. Ana shu siyosiy munosabatlar natijasida o'zaro hamkorlik munosabatlari yuzaga keladi. Har qanday ijtimoiy munosabatlar singari siyosiy munosabatlar ham o'zaro ichki munosabatlardan iborat bo'ladi. Bir - biriga to'liq mos keladigan yoki biri ikkinchisini uyg'unlashtiradigan maqsadlar yo'lida siyosiy kuchlar o'zaro harakat qilishi va konsepsusga ega bo'lishiga siyosiy xamkorlikka erishish deyiladi. Hamkorlikka erisha olmasa siyosiy ixtiloflarga olib kelishi mumkin. Politologiya siyosat, siyosiy jarayonlar, siyosiy faoliyat va siyosiy hokimiyatni o'rganuvchi fandır. Uning predmetini siyosat, siyosiy munosabatlar va hokimiyatni rivojlanish qonuniyatlari tashkil etadi. Fan sifatida politologiya 2,5-3 ming yillik tarixga ega. Politologiyaning asosiy mavzusi hokimiyatni, siyosiy hokimiyatini o'rganishdir. Politologiya ijtimoiy fanlar bilan aloqada bo'ladi. Politologiya ijtimoiy fanlarning ilmiy xulosalarini qanday bo'lsa, shundayligicha foydalanmasdan, balki jamiyat, davlat va fuqarolar hayotida bo'ladigan siyosiy o'zgarishlar va ularning xokimiyatga munosabatlarini hamda bu o'zgarishlarini amalga oshirish usullari, mexanizmlarini o'rganadi, siyosiy xulosa, amaliy takliflar beradi.

Politologiya fanining asosiy funksiyalari:

1) nazariy, 2) metodologik, 3) amaliy, 4) bashorat qilish.

1) Nazariy funksiyasi uning predmetidan kelib chiqqan holda, siyosatni o'rganish asosida asosiy nazariy kontseptsiyalarni, qoidalarni ishlab chiqish.

2) Metodologik funksiyasi - siyosiy hayotni to'g'ri anglash, baholash va bilish uslublari bilan qurollantirish.

3) Politologiya amaliy funksiyasi uning amaliy xarakteri, hamda hokimiyat bilan





bo'lgan munosabatida o'z ifodasini topadi. Boshqaruvda ma'muriy buyruqbozlik uslubidan voz kechish va demokratik tamoyillarga asoslanish, siyosiy institutlar va mafkuralar xilma - xilligiga asoslanish, turli manfaatlar uyg'unligini ta'minlaydi. Siyosiy qarorlar qabul qilishda siyosiy jarayonlar va munosabatlarni modellashtirishda alohida o'rin tutadi. Bu politologiyani siyosiy hayot bilan uzviy bog'liqligini ta'minlaydi, amaliylikini oshiradi.

4) Bashorat qilish - siyosiy hayot, siyosiy jarayonlarni amalga oshirishda turli qatlamlar, guruhlarining ishtirokini va o'rnini differentsial taxlil etish, turli xil siyosiy institutlarning faoliyatini tarkibining funktsional taxlil etish, siyosiy tuzulmalarning darajasini, siyosiy jarayonlar elementlarining o'zaro aloqalarini tizimli va yaxlit holda o'rganish.

Politologiya fani jamiyatdagi siyosiy institutlar va siyosiy jarayonlar, siyosiy madaniyat, xalqaro tizimlar uning mexanizmi, vositalari, hamda amaliyotni o'rganishda muayyan qonunlarga tayanadi, hamda amal qiladi. Politologiya fani amal qiladigan qonunlar turli xil bo'lib, mamlakat ichki hayoti, mintaqaviy va xalqaro tizimlar, umumbashariy taraqqiyot sohalari bilan bevosita daxldor.

Politologiya qonunlarini 2 guruhga ajratish mumkin.

1) davlat xokimiyati va mamlakat ichki siyosiy hayotida amal qiladigan qonuniyatlar;

2) xalqaro munosabatlarda iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va madaniy - ma'rifiy aloqalar bilan bog'liq bo'lgan qonuniyatlar.

Politologiya tushunchalari: siyosat, siyosiy hokimiyat, siyosiy jarayonlar, siyosiy hayot, siyosiy munosabat, siyosiy faoliyat, siyosiy partiyalar, siyosiy tashkilotlar, siyosiy institutlar, siyosiy tizim, siyosiy ong, siyosiy madaniyat, siyosiy qadriyatlar, xalqaro siyosiy munosabatlar va boshqalar. Bu tushunchalarning har biri o'z siyosiy mazmuniga ega bo'lib, siyosiy jarayonlar tizimida namoyon bo'ladi. Masalan, ong muammosini sotsiologiya fani guruh ongi muammosi sifatida, davlat va huquq nazariyasi huquqiy ong muammosi tarzida politologiya fani esa siyosiy ong muammosi tarzida, madaniyatni siyosiy madaniyat sifatida o'rganadi. Politologiya fani qonun va kategoriyalarini o'rganishda mavjud siyosiy hayot va jarayonlarni idrok etishda har bir xalqning o'ziga xos xususiyatlari mavjudligini hisobga olish muximdir. Mustaqillik tufayli O'zbekistonda politologiya fanini o'rganishga va uni rivojlantirishga real imkoniyat paydo bo'ldi. Jamiyat hayotini erkinlashuvi insonlar oldida siyosatni chuqurroq idrok etishga, siyosiy jarayonlarda faol ishtirok etishni taqozo eta boshladi. Bu esa politologiya fanining rolini oshib borishiga sabab bo'ldi.

Mamlakatimiz o'zining mustaqilligini mustahkamlab borayotgan bugungi kunda politologiya:

1) mamlakatimiz siyosiy hayotida sodir bo'layotgan siyosiy jarayonlarni taxlil qilish va uni jaxonning rivojlangan mamlakati to'plagan tajribalari bilan solishtirish asosida mamlakatimiz millati, shu xususiyatlariga va manfaatlariga xizmat qiluvchi siyosiy xulosalar berish;

2) mamlakatimizning xalqaro xamjamiyatga kirib borishining qulay yo'llarini belgilash;

3) mamlakatimizda demokratik jarayonlarni rivojlantirishning mexanizmlarini vujudga keltirish va ularni uyg'un xolatda faoliyat ko'rsatishlariga yordamlashish;

4) fuqarolarning siyosiy ma'naviyati, salohiyati va faoliyatini oshirish, ularda mamlakatimiz oldida turgan ulkan vazifalarni bajarishda yakdillik ruxiyatini, jaxonda va mintaqamizda sodir bo'layotgan turli o'zgarishlarga siyosiy xushyorlik bilan qarash tuyg'ularini shakllantirish;

5) siyosiy barqarorlik, millatlararo totuvlik va yuksak ilmiy salohiyat mamlakatimiz mustaqilligini ta'minlashning jaxonning rivojlangan mamlakatlari qatoridan munosib o'rin egallashining asosiy sharti ekanligini yoshlarimizning ong va qalbiga singdirish bilan bog'liq bo'lgan tarbiya vazifasini amalga oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Otamuratov S., Ergashev I., Akromov Sh., Qodirov A. Politologiya (o'quv qo'llanma). - Toshkent: "O'zbekiston," 1999.



## ГЛОБАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

**Диана Турсынбаева**

**Студент Каракалпакского Государственного университета**

**polat.pirniyazov.1976@gmail.com**

**+998930954501**

### *Аннотация*

*Эта статья предоставляет больше информации о том, как возникли глобальные проблемы и решения, необходимые для их преодоления.*

*Глобальные проблемы человечества - это проблемы, которые затрагивают жизненные интересы всего населения планеты и требуют для своего решения совместных усилий всех государств мира.*

*Ключевые слова: глобальные проблемы, научно-техническая революция, онкологические заболевания, СПИД, информационно-коммуникационные технологии, две мировые войны, статистические цифры и их решения.*

В эпоху промышленной и научно-технической революции социально-экономическое развитие человечества в корне изменилось. В результате этих перемен возник ряд актуальных проблем, сфера влияния которых охватывает все человечество. От их решения зависят перспективы дальнейшего прогресса мирового сообщества. Эта группа проблем получила название глобальных проблем человечества, и для их решения требуется объединение усилий всех стран мира.

Причины возникновения и обострения глобальных проблем состоят в многократном росте населения мира за исторически короткий срок, ускоренном росте промышленности и других отраслей производства, нарушении равновесия в природной среде под влиянием хозяйственной деятельности человека, формировании мирового хозяйства как единой целостной системы за счет укрепления международных экономических связей, отрицательных последствиях научно-технической революции и развития современных информационно-коммуникационных технологий, усилении противоречий между государствами и политическими силами.

К ряду основных глобальных проблем обычно относят проблему сохранения мира и обеспечения мировой безопасности; экологическую проблему; проблему социально-экономической отсталости развивающихся стран и бедности; демографическую проблему; продовольственную проблему; энергетическую проблему; сырьевую проблему; проблему рационального использования Мирового океана; проблему межнациональных и межрелигиозных отношений; проблему борьбы с сердечно-сосудистыми, онкологическими заболеваниями и СПИДом.

Кроме того, иногда к категории глобальных относят и некоторые другие проблемы, например, проблему борьбы со стихийными бедствиями и их предупреждения, проблему освоения космоса и экологии околоземного пространства или проблему кризиса духовных ценностей.

Глобальные проблемы человечества тесно взаимосвязаны, одна проблема способствует усугублению других. Следовательно, решение той или иной глобальной проблемы невозможно без внимания к другим проблемам. Например, существует определенная связь между демографической и продовольственной проблемами развивающихся стран, так как высокие темпы роста населения обостряют нехватку продовольствия. Энергетическая и экологическая проблемы также непосредственно взаимосвязаны, потому что разработка и внедрение



новых источников энергии в определенной степени влияет на качество окружающей среды.

Наиболее универсальное значение среди глобальных проблем имеет проблема сохранения мира и разоружения, так как без ее решения, перспективы жизни на Земле и цивилизации могут оказаться плачевными. По некоторым сведениям. В мировой истории произошло более 14 тысяч войн, и, к огромному сожалению, военные противостояния продолжают поныне в разных частях планеты. Однако глобальный масштаб эта проблема приобрела только в XX веке, пережившем две мировые войны, унесшие более 70 миллионов жертв.

В послевоенный период между капиталистическими и социалистическими странами, в первую очередь, между США и СССР, разгорелась "гонка вооружений". В современных условиях США, Российская Федерация, Великобритания, Франция, Китай, Индия и Пакистан имеют признанный мировым сообществом статус ядерных держав. Вместе с тем, достоверно известно наличие ядерного оружия у не имеющий официального статуса ядерной державы КНДР.

В разных регионах мира происходят войны и боевые конфликты. Из-за военных действий и гражданских войн население некоторых стран оказалось на грани гуманитарной катастрофы. Примерами в этой связи могут служить Сирия, Ирак, Ливия, Сомали, Афганистан, Южный Судан.

Другой проблемой, имеющей универсальное значение, считается проблема социально-экономической отсталости наименее развитых стран и бедности. Для пояснения остроты и глобальности этой проблемы уместно привести некоторые статистические цифры. В настоящее время до 1,2 миллиарда человек в всем мире голодают или испытывают недоедание, средняя ожидаемая продолжительность жизни более 1,7 миллиарда людей не достигает 60 лет. 1,5 миллиарда человек не имеют доступа к медицинскому обслуживанию, более 1 миллиарда людей живут в крайней бедности, более 200 миллионов детей не посещают школы, более 800 миллионов взрослых по всему миру неграмотны, то есть не умеют читать и писать.

Самая тяжелая социально-экономическая ситуация сложилась в странах, отнесенных ООН к группе наименее развитых стран. Этот список первоначально был составлен в 1971 году и включал 24 государства. По состоянию на 2014 год наименее развитыми считались 48 стран. Из них 34 находятся в Африке, 9 в Азии, 4 в Океании и 1 в Латинской Америке-Гаити. В странах данной группы проживает более 11% населения мира.

В настоящее время для многих развивающихся стран актуальной является и продовольственная проблема. Решения продовольственной проблемы можно достичь, главным образом, путем совершенствования техники и технологий в сельском хозяйстве, повышения производительности труда в этой отрасли.

Решение названных проблем является сегодня актуальной задачей для всего человечества. От того когда и как они начнут решаться зависит выживание людей. Выделяют следующие пути решения глобальных проблем современности.

Предотвращение мировой войны с применением термоядерного оружия и других средств массового уничтожения, грозящих гибелью цивилизации. Это предполагает обуздание гонки вооружений, запрещение создания и применения систем вооружения массового уничтожения, людских и материальных ресурсов, ликвидацию ядерного оружия.

Преодоления экономического и культурного неравенства между народами населяющими индустриально развитые страны Запада и Востока и



развивающимся странами Азии, Африки, Латинской Америки.

Преодоление кризисного состояния взаимодействия человечества и природы, которое характеризуется катастрофическими последствиями в виде беспрецедентного загрязнения окружающей среды и истощения природных ресурсов. Это делает необходимым выработку мер, направленных на экономное использование природных ресурсов и снижение загрязнений отходами материального производства почвы, воды и воздуха.

Снижение темпов роста народонаселения в развивающихся странах и преодоление демографического кризиса в развитых капиталистических странах;

Предотвращение негативных последствий современной научно-технической революции;

Преодоление тенденции к снижению социального здоровья, что предполагает борьбу с алкоголизмом, наркоманией, онкологическими заболеваниями, СПИДом, туберкулезом и другими болезнями.

Чтобы решить глобальные проблемы, все должны работать вместе.

Использованные литературы:

1. Келбесса В. Глобализация и локализация. Мазур И.И. Чумаков А.Н. Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь.- М: Питер, 2006

2. Nye Josef. Power in the Global information Age: from realism to globalization. -New York: Routledge, 2004,- P.3.

3. Umarov B. Globallashuv ziddiyatlari.- Toshkent.: "Manaviyat", 2006-yil



## ЎЗБЕКИСТОНДА "ЎТИШ ДАВРИ" БОСҚИЧЛАРИДА ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Жўраев И.**

**ГулДУ, ўқитувчи,**

**Телефон: 998998678966**

*АННОТАЦИЯ: Сиёсатишунос олимлар томонидан жамият ривожланишида бевосита демократик институтларнинг ўрни, ушбу институтларнинг фаолияти тўғрисида айрим назарий-илмий қарашлари, ўтиш даври мобайнида ўзига хос қийинчиликлар ҳақида ёритилган.*

*Таянч тушунчалар: демократия, ўтиш даври, конституцион демократия, кўппартиявийлик, цивилизацияли давлат, манипуляция, демократия мезонлари, сиёсий институтлар, ноу-хау*

Демократия - давлат цивилизация талабларига мос тарзда ривожланиб, иқтисодий ва маънавий омиллар асосида ҳокимиятнинг мамлакатда тартиботини таъминлайдиган бир бутун ташкилотига айланади ва шундай шароитдагина давлат ўзининг асосий вазифасини - халқ ҳокимиятчилиги, иқтисодий эркинлик, мустақил шахс эркинлигини таъминлаш вазифасини адо этади. Демократия ва жамиятни демократлаштириш борасида бугунги кунга қадар тўпланган тажрибалар, илмий хулосалар шундан далолат берадики, жамиятлар демократлашуви жараёнида, "демократияга ўтиш даври"нинг ҳар бир жамиятга хос бўлган босқичлари хусусиятларини аниқлаш, ва навбатдаги, поғонадаги демократик тараққиёт учун етарли заминларни яратиш масаласи ҳал қилувчи устувор аҳамият касб этмоқда.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, демократияга ўтиш поғоналари тизимида ҳар бир босқичнинг ниҳоятда ўзига хос алоҳида муҳим ўрни мавжуд бўлиб, уларни ўз вақтида пайқаш, етилган масалаларни ечиш чораларини кўриш, жамият демократлашуви жараёнлари узлуксизлигини ҳал қилувчи асоси сифатида ҳозирги вақтда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Зеро, демократик тараққиёт ўз моҳиятига кўра, демократияга ўтиш босқичларининг шунчаки оддий ўрин алмашинувини эмас, балки жамиятда демократияни қарор топишини тобора яқинлаштириб борувчи, унинг ҳаётида кенг қамровли равишда демократия манфаатларини рўёбга чиқаришни кўзлаган янгиланишлар, сифат ўзгаришлар жараёнини амалга оширишдан иборатдир. Демократияга ўтиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган эволюцион жараёнлар тизимидан иборатдир. Бунда ҳар бир босқичнинг шарт-шароити, хусусиятлари, ва айниқса, вазифалари ўзига хос бўлиши табиийдир. Уларнинг моҳиятини англаш, тўғри баҳолаш кейинги босқичнинг муваффақияти учун замин тайёрлаб беради.

Демократияга ўтиш даврининг ҳал қилувчи палласига қадам қўйилган бугунги кунда жамиятимизда рўй бераётган демократлаштириш жараёнларининг барча тизим ташкил қилувчи элементларининг юқори даражада замон талабларига тўлиқ жавоб берувчи ҳолатда ҳаракатга келтириш билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу ҳолат демоакратияга ўтиш даврининг ҳал қилувчи босқичи бўлган, бевосита демократлашувнинг бошланганлигидан далолат беради. Бевосита бизнинг жамиятимиз шароитларидан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, бугунги кунда мамлакатимиз ўз тараққиётида демократлашиш жараёнларининг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди. Мустақиллигимиз асосчиси Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги



маърузасида илгари сурилган ҳамда мамлакатимиз тараққиётининг бугунги кундаги йўналишлари учун дастуруламал вазифасини ўтаётган хулосаларида бу хусусида шундай фикрлар билдириб ўтилган эди: "Биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради".

И.А.Каримов хулоса қилганидек: "Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич - 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич - фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий - гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди". Ҳозирги пайтда фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларининг тобора чуқурлашуви шароитида муваффақиятли ва барқарор равишда ривожланиб борувчи демократия асосларини мустаҳкамлаш учун бугунги кунда ҳал қилиниши муҳим бўлган вазифалар хусусиятлари, уларнинг кўлами, амалга оширишнинг сиёсий-институционал механизмлари тўғрисида назарий хулосалар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан демократиянинг барпо қилинган институтлари, ҳуқуқий асослари заминида эндиликда демократия ғояларини жамият миқёсида янги ва юқори даражада ижтимоийлашувини амалга ошириш вазифалари ўта етакчи мавқега эга бўлмоқда.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2010. 15-б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: "Ўзбекистон", 2007.4-5 б



## ЎЗБЕКИСТОН - ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР РИВОЖИНИНГ ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИДА.

**Курбонов Э.Э.**

**ГулДУ, катта ўқитувчи**

**Телефон: +998916248054**

**eldor\_gdu@mail.ru**

*Аннотация: Ушбу мақолада XX асрнинг сўнггида янги мустақил бўлган Ўзбекистон олдидан турган мураккаб вазият пайтида халқ ҳокимиятини шакллантириш, демократик ислохотларнинг ривожлантириш концепцияси, шунингдек янги демократик жараёнларга олиб чиққан ҳаракатларни стратегиясининг моҳияти ёритиб беришга ҳаракат қилинган.*

*Калит сўзлар: Демократия, ўтиш даври, концептуаллаштириш, қўшма мажлис, модернизация, консолидациялашув, ҳаракатлар стратегияси.*

Демократия ва жамиятни демократлаштириш борасида бугунги кунга қадар тўпланган тажрибалар, илмий хулосалар шундан далолат берадики, жамиятлар демократлашуви жараёнида, "демократияга ўтиш даври"нинг ҳар бир жамиятга хос бўлган босқичлари хусусиятларини аниқлаш ва навбатдаги, поғонадаги демократик тараққиёт учун етарли заминларни яратиш масаласи ҳал қилувчи устувор аҳамият касб этмоқда. Жамият демократлашувининг мантиқий давомийлиги ва барқарорлигини таъминланиши ҳам айнан мазкур вазифаларни айрим олинган жамият шарт - шароитлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда нечоғлик даражада аниқлик билан бажарилишига боғлиқдир. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, демократияга ўтиш поғоналари тизимида ҳар бир босқичнинг ниҳоятда ўзига хос алоҳида муҳим ўрни мавжуд бўлиб, уларни ўз вақтида пайқаш, етилган масалаларни ечиш чораларини кўриш, жамият демократлашуви жараёнлари узлуксизлигини ҳал қилувчи асоси сифатида ҳозирги вақтда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Зеро, демократик тараққиёт ўз моҳиятига кўра, демократияга ўтиш босқичларининг шунчаки оддий ўрин алмашинувини эмас, балки жамиятда демократияни қарор топишини тобора яқинлаштириб борувчи, унинг ҳаётида кенг қамровли равишда демократия манфаатларини рўёбга чиқаришни кўзлаган янги ланишлар, сифат ўзгаришлар жараёнини амалга оширишдан иборатдир. Шу боис ҳам жамиятда демократлашув жараёнлари рўй бераётган даврда унинг алоҳида олинган босқичларининг ўзига хос хусусиятларини моҳиятини аниқлаш ҳамда назарий асосларини ҳал этиш, кейинги сифат босқичига ўсиб ўтишига хизмат қилувчи омиллар, тенденцияларни концептуаллаштириш (тизимийлаштириш) ҳал қилувчи долзарб аҳамият касб этади. Агар биз мутахассис олимлар томонидан аллақачон исботланган, жамиятнинг демократияга ўтиши билан боғлиқ универсал назарий хулосаларнинг ҳамда тавсияларнинг мавжуд эмаслигини ва бундай хулосаларни яратилишининг ўзи демократия табиатига мос келмаслигини, ва айни пайтда, демократияга босқичма-босқич ўтиш қонуниятининг ҳали ҳеч ким томонидан инкор қилинмаганлигини эсга оладиган бўлсак, ҳар бир жамият амалиётидан келиб чиққан ҳолда, демократлашув босқичлари хусусиятларини алоҳида ўрганиш ҳамда у билан боғлиқ назарий хулосалар ишлаб чиқишнинг объектив зарурат эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

Бевосита бизнинг жамиятимиз шароитларидан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, бугунги кунда мамлакатимиз ўз тараққиётида демократлашиш жараёнларининг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди. Биринчи



Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган ҳамда мамлакатимиз тараққиётининг бугунги кундаги йўналишлари учун дастуруламал вазифасини ўтаётган хулосаларида бу хусусида шундай фикрлар билдириб ўтилган эди: "Биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги Конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун - моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради".

Маълумки, жамиятимизда рўй бераётган демократлашув жараёнларининг ҳозирги вақтга келиб, ҳал қилувчи янги поғонага кўтарилишига Биринчи Президент томонидан асослаб берилган ўтиш даврининг аввалги босқичларида амалга оширилган чора - тадбирлар ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

И.А.Каримов хулоса қилганидек: "Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич; 1991 - 2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди. 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич - фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд - ҳуқуқ тизими ва ижтимоий - гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди".

Маълумки, демократия назарияси билан шугулланувчи кўпчилик дунё олимлари демократлашувнинг ўтиш даври босқичини алоҳида ўта муҳим давр сифатида таърифлаб ўтганлар. Жумладан, Фарб олимлари ушбу даврни "демократия консолидациялашувининг бошланиши босқичи", деб атаганлар.

Ҳозирги пайтда фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларининг тобора чуқурлашуви шароитида муваффақиятли ва барқарор равишда ривожланиб борувчи демократия асосларини мустахкамлаш учун бугунги кунда ҳал қилиниши муҳим бўлган вазифалар хусусиятлари, уларнинг кўлами, амалга оширишнинг сиёсий - институционал механизмлари тўғрисида назарий хулосалар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда қурилаётган ҳуқуқий демократик давлат хусусиятлари, демократия ва халқ руҳияти, демократик тамойиллар ривожини, миллий қадриятларни тиклаш, неча минг йиллик тарихимизни ўрганишнинг концептуал ғоялари асослаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жараёнларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларни ҳаётга татбиқ этишдаги муаммо ва ечимлар ҳамда ижтимоий фанларнинг асосий назарий йўналишлари тўлиқ ўз аксини топган.

Давлат дастурининг "Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш" деб номланган биринчи йўналишини амалга оширишда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш, давлатнинг ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш назарда тутилган. Давлат дастурининг иккинчи йўналиши қонун устуворлигини ва суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутди. Жумладан, қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлаши керак бўлган Олий суд кенгашини тузиш, профессионал судьялар





корпусини шакллантириш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов.Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.- Т.: "Ўзбекистон".2007.
2. И.А.Каримов.Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Т.: "Ўзбекистон",2010.
3. Полис.№ 2.2004.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Илмий-услубий рисола.Тошкент-2017.



## КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ ВА ДЕМОКРАТИЗМ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ИЛМИЙ - НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Кожагелдиев А.У. т.ф.н. доцент**

**Бердоқ номидаги Қорақалпоқ давлат университети.**

**(Тел. 99893 5278598, 99893 7717787)**

**golden-silver\_777@mail.ru**

*Аннотация: Мақолада конституционализм ва демократизм тамойилларининг илмий -назарий асослари ва уларинг ўзаро боғлиқ жихатлари ёритилган. Жахон конституционализмининг тарихий шаклланиш йуналишлари ҳақида сўз юритилган. Аннотация: В статье описаны научные и теоретические основы принципов конституционализма и демократии и их взаимосвязи. Обсуждаются направления исторического становления мирового конституционализма. Resume: The article describes the scientific and theoretical foundations of the principles of constitutionalism and democracy and their relationship. The directions of the historical formation of world constitutionalism are discussed.*

*Калит сузлар: Конституционализм, демократизм, замонавий конституция парадигмаси, конституциявий доктрина, конституциявий ҳуқуқ, демократик ислоқотлар. Ключевые*

*слова: конституционализм, демократия, современная конституционная парадигма, конституционная доктрина, конституционное право, демократические реформы.*

*Key words: constitutionalism, democracy, modern constitutional paradigm, constitutional doctrine, constitutional law, democratic reforms.*

Бир қарашда, "конститутсионализм" ва "демократия" атамалари, ҳатто этимологик нуқтаи назардан, бир-бирига ўзаро боғлиқдир. Биринчи атама Конституция билан боғлиқ бўлиб, ундан келиб чиққан ҳолда, иккинчи халқ, халқ ҳокимиятини, демократияни шакллантиради ва тасдиқлайди. Бундан ташқари, конституция вазиятни, халқ ҳокимиятининг чегараларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув тартибини ўрнатади. Аммо бу идентификация фақат кундалик онг даражасида мумкин. Ҳақиқат шундаки, "конституционализм" "конституция" атамасидан келиб чиқади, аммо унга тенг келмайди ва замонавий сиёсий ва ҳуқуқий фанларда талқин қилувчи кўплаб маъноларга эга. Сўзнинг ҳозирги, замонавий маъносидаги конституциялар нисбатан яқинда (тарих нуқтаи назаридан), янги аср даврида, концепцияни шакллантириш ва демократик давлатнинг "пойдеворини" қўйиш даврида пайдо бўлди. "Конституция" атамаси латин конституциясидан келиб чиққан (constitutio - норма, қоида, рецепт, ўрнатиш). Бу атама қадимги Юнонистон ва қадимги Римда ишлатилган. Рим императорлик даврида ушбу атама кўпликда Рим императорларининг турли хил рецептлари учун умумий ном сифатида ишлатилган: фармонлар, мандатлар, қарорлар, ёзувлар - улар Сенатнинг қарорлари билан бир қаторда энг муҳим қонун ҳужжатларини ифодалаган (1, 284).

Ўша пайтда конституциялар умумий фармонларга - таҳрирларга, мансабдор шахслар учун кўрсатмаларга - мандатлар, декрет, , эдикт, рескриптларга бўлинди. Конституцияни бирлаштиришга уринишлар муваффақиятсиз тугади. Қадимги римликлар конституция атамасини яратганларини таъкидлашган. Айнан шу сабабли "конститутция" ибораси - давлат тузилиши маъносида - фақат 18-асрдан бошлаб ишлатила бошланди.

Замонавий конституция парадигмаси ўз мақомига эга булди ва Америка



конституциясининг аждодлар, биринчи марта "конституционализм" атамасини қўлладилар ва барча эълон қилинган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар устидан ёзма конституция устунлигини тасдиқладилар. Аммо кейинги йилларда, ҳуқуқий, сиёсий, илмий изланишларда бу атама янада кенгроқ маънога эга бўлиб, Фарбий, кейин Шарқий Европа, Лотин Америкаси, Африка ва Осиёда демократияга ўтиш ва конституцион тузумни шакллантириш жараёнларини тавсифлаш учун ишлатила бошланди. Конституционализм жаҳон сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг феномени сифатида буржуа-демократик инқилоблари туфайли анъанавийликдан саноат жамиятига ўтиш даврида шаклланди. Ва, эҳтимол, XVII-XVIII асрдаги голланд, инглиз, американ, француз инқилобларида энг муҳими шуни эътиборга олиш керакки, улар инсон ҳуқуқларини табиий ва ажратиб бўлмайдиган, ҳокимиятни чекланган ва ҳуқуқий нормалар билан боғлайдиган замонавий конституционализмнинг пойдеворини қўйдилар. Ва XXI асрнинг бошларида конституционализм - демократик давлатлар ривожланишининг энг муҳим омили сифатида карала бошланди. Шуни таъкидлаш керакки, конституционизмни аниқлашга турли хил ёндашувлар сиёсий ва ҳуқуқий илмий адабиётларда учрайди. Биринчиси, уни конституция доирасида чекланган давлат бошқаруви сифатида белгилайди; иккинчиси унда Конституция доктринасини давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабати ва ўзаро муносабатларнинг асосий қонуни сифатида кўради; учинчиси, сиёсатшунослик, конституционизм конституциявий бошқарув усуллари асосланган сиёсий тизимдир. Америкалик ҳуқуқшунослар талқинида конституционизм конституцион ривожланиш элементлари, жумладан, халқнинг розилиги, чекланган ҳукумат, очиқ жамият, шахсий яхлитлик, ҳокимиятни ажратиш, жамоатчилик назорати сифатида тақдим этилган (2, 5-13). Конституционизм ва демократияни ўз-ара боғлиқлиги ҳақида нима дейиш мумкин? Афтидан, конституционализм ва демократия ўзаро боғлиқ булиб, уларни ажратиб бўлмайди. Шуни ёдда тутиш керакки, демократия одамларнинг ўзларини бошқариш ҳуқуқини назарда тутадиган булса, конституционализм сиёсий ҳокимиятда, ҳатто улар сайланган ва қонунийлаштирилган тақдирда ҳам, институционал чекловларни яратишга қаратилган. Шундай қилиб, конституционализм ўзини ўзи бошқариш ва халқ ҳокимиятининг ўзини ўзи бошқариш принципларини амалга оширишни англатади. Конституционализмнинг замонавий тушунчасига келсак, у турли хил ҳуқуқий воситалар билан кафолатланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий рўйхати мавжудлигини назарда тутати. Уларни кафолатларнинг асосий турларини ўз ичига оладиган ҳуқуқий механизм сифатида кўриб чиқиш мумкин: сиёсий демократиянинг улкан ютуғи булмиш конституцияда ҳокимият масалалари муҳим урин тутати. Конституция воситасида давлат ҳокимияти билан инсон уртасидаги муносабот узининг муътадил ечимини топади. Давлат ҳокимиятининг демократиклиги, конституцияда инсон ҳуқуқлари нечоғлик мукамал акс этирилганлиги ҳамда кафолатланганлиги билан изоҳланади. Шунингдек ижро этувчи ҳокимият томонидан конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тартибга солувчи ва конкретлаштирадиган қонунларнинг бузилишидан ҳимоя қилиш; ҳуқуқ ва эркинликларни бузадиган ёки чеклайдиган ноқонуний суд қарорларидан ҳимоя қилиш; бошқа жисмоний ва юридик шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қилишдан кафолатлар шулар жумласига кирилади. Демократия эса кўпчилик принципини амалга ошириш орқали халқнинг кучини англатади, ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим принципи, давлат суверенитетига принципига асосланади. Шунингдек сиёсий тизимни демократик ислоҳ этиш ва эркинлаштириш, фуқаролик жамияти



таркибий тузулмалари ҳисобланган сиёсий партиялар, жамоат бирлишмалари, нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш фаолияти ва уларнинг ўзаро тизимли алоқадорлигини ифодалайди.

Сўнгги йилларда сиёсатшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларда конституционализм ва демократизм тамойилларига янгича ёндашув номаён булмоқда ва шунга мос равишда худди шу йуналишда чуқурроқ тадқиқотлар олиб боришга ундамоқда. Бунга таниқли рус олимлари В.И.Чиркин (6), О.Е. Кутафин (7), В.В.Лазарев (8) ва бошқалар ўз илмий ишларида ёритиб берган. Масалан, В.В. Лазарев конституциявий ҳуқуқ субъекти жамиятнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган сиёсий муносабатларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларига тегишли алоҳида қисм эканлигини таъкидлашади. Бундан ташқари, улар конституциявий ҳуқуқни давлат тузилишини, давлат ҳокимиятини ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ташкил этишни, фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизими сифатида белгилайдилар. Шу билан бирга, энг муҳими, бизнинг фикримизча, ҳуқуқшунослар, сиёсатшуносларнинг хулосалари бўлиб, уларда асосий ғоялардан бири сифатида конституциявий ҳуқуқ предметини ташкил этувчи барча муносабатлар тизим, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари деб конституциявий ҳуқуқнинг моҳияти сифатида белгилаган. Масалан, М.В.Баглай конституциявий ҳуқуқни инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган ва шу мақсадда давлат ҳокимиятининг муайян тизимини ўрнатадиган ҳуқуқий нормалар тўплами сифатида шакллантиради (9, 3). Кўриниб турибдики, ушбу ёки шунга ўхшаш талқинда "давлат ҳуқуқи" атамаси "конституциявий ҳуқуқ" атамасини беради. Бу жараёнда Ўзбекистонлик олимлар ҳам чуқур тадқиқотлар олиб борган: Проф. Ш.Уразаев, Р.Қоюмов, проф. Ҳ. Одилқориев, А. Саидов, У.Тажиханов, М.Шарифхужаев ва бошқалар конституционализмнинг моҳиятини демократик ҳуқуқ эркинликлари билан боғлиқ ҳолда, жумладан инсон ҳуқуқларига оид қойдаларини амалга ошириш механизmlарини, конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг турли йуналишларни илмий- назарий жиҳатдан асослаб берган. Бу тадқиқотларда демократизм ва конституционализм доктринасининг янада мустаҳкам асослари яратилган. Конституционализм ва демократизм тамойилларининг ривожлантирилиши учун 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши бўйича Харакатлар стратегияси муҳим рол уйнайди. Унинг барча бешта йуналишларида ҳам ўзбек давлатчилигининг мустаҳкамланиши, ҳуқуқий демократик муҳит, тинчлик ва барқорорликнинг таъминланиши, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим йуналишлари белгилаб берилган. Шундай қилиб "Харакатлар стратегияси" да белгиланган вазифалар нуқтаи назардан бу борада давлатимизда конституционализм ва демократизм тамойилларига асосланган ҳолда жамиятимизда мавжуд вазиятни чуқур таҳлил этиб, ўз ечимини кутаётган муаммоларни аниқлаш ва шу асосда бир қатор стратегик аҳамиятга молик таклифлар ишлаб чиқишни тақазо этади.

#### Адабиёт

1. Қадимги луғат: Пер. у билан. - М., 1993 йил.
2. Эгоров С.А. АҚШда конституционизм: сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлар / С.А. Эгоров. - М., 1993 йил.
3. Дворкин Роналд. Конституционализм ва демократия / Роналд Дворкин // Фалсафа. European journal. - 1995. - Вол. 3. - №1.
4. Россия Федерацияси Конституциясининг шарҳи / Эд. Ю.В. Кудрявтсева. -



М., 1996 йил.

5. Эд. В.Ф.Волович. Россия давлатчилигини мустақамлашнинг ҳуқуқий муаммолари: Сат. мақолалар. 14-қисм / - Томск, 2003 йил.

6. Чиркин В.Е. Конституциявий қонун: Россия ва хорижий тажриба / В.Е. Чиркин. - М., 1998 йил.

7. Кутафин О.Е. Конституциявий ҳуқуқнинг предмети / О.Е. Кутафин. - М., 2001 йил.

8. Конституциявий ҳуқуқ: дарслик / Анс. таҳрирланган В.В. Лазарев. - М., 1999 йил.

9. Баглай М.В. Россия Федерациясининг конституциявий қонуни: университетлар учун дарслик / М.В. Баглай. - 3-нашр. - М., 2001 йил.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада рифожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси туғрисида"ги Фармони. Расмий нашр. Туртинчи нашр. Тошкент - "Адолат" 2018 й.

11. Тожиҳанов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. - Т.: 1998.

12. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.: 2002.



## "ОИЛА ВА МАЪРИФАТ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИДИР"

**Раззакова Наргис Юлдашевна**

**таянч докторант (PhD)**

**Мирзо Улуғбек номидаги**

**Ўзбекистон Миллий университети**

**nargisrazzakova2020@gmail.com**

*Аннотация. Мазкур мақолада оила ижтимоий институти - жамиятнинг маънавий пойдевор эканлиги ҳақида фикрлар баён этилади. Шунингдек, халқимиз тарихида оилада ёшларнинг умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаб келинганлиги, жамиятнинг турли даврларида оила масаласи олимларнинг диққат марказида бўлганлиги ҳамда бугунги кунда ёшларни юксак маънавий баркамол шахс сифатида тарбиялашда оиланинг асосий вазифалари ҳақида сўз юритилган.*

*Калит сўзлар. Жамият, маърифат, оила, оила кодекси, соғлом авлод, миллий урф-одатлар, таълим-тарбия, никоҳ, социология, мустаҳкам жамият, маънавий ва ахлоқий тарбия, назариялар, мустаҳкам оила, ижтимоий тузилма, жамият фаровонлиги.*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оила институти амалда мустаҳкамлаш борасида талай ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало оила ва никоҳ муносабатларини такомиллаштиришнинг қонуний базаси яратилиб, оила жамиятнинг устивор йўналишига айлантирилди ва уни муҳофаза қилишга қаратилган қатор қонунлар ва қонун ости ҳужжатларни ҳам қабул қилинди.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам Ўзбекистон ўз истиқболи ва келажагини оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани юқоридаги анъанавий қадриятларимизни янада бойитган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

1998 йил Оила кодекси қабул қилинган. У 1998 йил 30 апрелдаги 607-1-сон "Ўзбекистон республикасининг Оила кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонуни билан мустаҳкамланган.

Ўз навбатида, умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни таҳлил қилиш асосида замонавий, намунали оила мезонларини белгилаш ҳамда "Оила жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш масалаларига комплекс ёндашиш фаолиятимизда устувор аҳамият касб этмоқда. Жамият тараққий этиб бориши билан унинг шакли ўзгариб, ўзи эса мустаҳкамланиб замон таъсирида шаклини ўзгартирмоқда. Оила жамиятнинг ижтимоий тузилмасининг дастлабки ва бирламчи бўгинидир. Ижтимоий ҳаёт оиладан бошланади.

Жахон статистикасида "оила" тушунчаси билан бирга "уй хўжалиги" тушунчаси ҳам фойдаланилади. Уй хўжалиги тушунчаси оиладан фарқ қилиб, унда фақат қариндошлик муносабатлари асосида бириккан кишиларгина эмас балки, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида бирга яшовчи бегона кишилар ҳам, алоҳида мустақил хўжалик юритувчи ёлғиз кишилар ҳам киритилади. Оила бир қанча турларга бўлинади. Маълумки, оила ташкил бўлишига эркак билан аёл ўртасидаги никоҳ бирлиги асос бўлади. Ана шу никоҳ бирлигига асосан оила қуйидагиларга бўлинади:

"полигам, яъни кўп никоҳли оила. Бундай оилада бир эркак, бир нечта аёл



билан никоҳда туриши, оила қуриши мумкин;

" моногам - бир никоҳли оила, яъни бир эркак бир аёл билан никоҳда туради:

" қайта тузилган - иккинчи никоҳли оила.

Ўз навбатида оилалар унда яшовчи оила аъзоларининг таркибига қараб қуйидагича бўлинади:

"оддий (нуклеар) оила. Бундай оила тури энг кўп тарқалган. Унда эр-хотин никоҳга кирмаган, яъни оила қурмаган фарзандлари билан яшайди;

"мураккаб (кўп бўғинли) оила. Бундай оилада икки ёки ундан ортиқ авлод вакиллари бирга яшайди. Хусусан, ота-она оила қурган фарзанди билан яшайди.

Оила ядросини ташкил этган эр-хотин ҳаётлигига, шу оилада бирга яшаш ёки яшамаслигига қараб ҳам оилалар турлича бўлади. Чунончи, тўлиқ оила, яъни эр-хотин ҳаёт бўлган ва бирга яшаган оилалар ҳамда нотўлиқ оила, эр-хотиндан бири вафот этган ёки улардан бири оилада яшамайди.

Оилаларни оила аъзоларининг миқдорига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин: кичик оилалар (2 - 4 кишилик), ўрта оилалар (5 - 6 кишилик) ва катта оилалар (7 ва ундан кўп кишилик). Шунингдек, оилаларни ҳудудий жиҳатдан шаҳар ва қишлоқ оилаларига ҳамда икки миллатдан ташкил топган аралаш оилага ва бошқа турларга ажратилади. Жумладан, 1989 йилда қишлоқ оиласининг 21,3 фоизда 10 ва ундан ортиқ кишилар яшовчи оилалар ташкил этган. Кейинги 15 йилдан ортиқ вақт ичида қишлоқ катта оиласи деган тушунча моҳияти ўзгаришга учради. Ҳозирги кунда қишлоқ оиласи деганда оилада ўртача 6-7 кишидан иборат оилаларни тушуниш мумкин. Демак, қишлоқ оиласида ўртача катталиқдаги оилалар сони ортиб бормоқда.

Ўзининг ижтимоий мақоми жиҳатидан оилалар ишчи ва хизматчи, деҳқон (фермер) ,тадбиркорлар оиласига бўлинади.

Моддий таъминланишига кўра оилалар бой, ўртахол ва кам таъминланган бўлиши мумкин.

**Ота-онанинг фарзанд олдидаги асосий мажбурияти нима?**

( респондентлар бир неча жавоб вариантлари айтишди)%

Жавобларнинг вариантлари	%
Болаларнинг яхши таълим олишини таъминлаш	49,8
Оила қуришда, тўй тадбирларини ўтказишда ёрдам бериш	32,7
Болаларига фаровон ҳаёт шароитларини таъминлаш	35,4
Болаларининг соғлом овқатланишини таъминлаш	29,4
Оила қураётганда болаларини уй-жой билан таъминлаш	13,2



Оила аъзолари 2 тоифага ажратилади :

1. даромад келтирувчилар
2. боқимандалар ( вояга етмаган болалар, қариялар, ишсизлар)

Ўзбекистонда оила ва никоҳ борасидаги ўзгаришлар йил сайин ижобий тус олаётганлигини тан олиш зарур.

Тахлиллардан маълумки, охириги йилларда йигит ва қизларнинг бир мунча кечроқ оила кура бошлаганлиги кузатилмоқда. Оила қурган қизларнинг асосий қисми (84%) 18-24 ёшга мансубдир. Лекин шунга қарамай статистик маълумотлардан 15-16 ёшли қизлардан она бўлганлари аниқланмоқда ва ушбу муаммони хал қилишда маҳаллани ўрни жуда катта.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ никоҳни бекор қилиш эр-хотиндан бири ёки иккаласининг аризасига биноан суд идоралари ва вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари (ФХДЁ) томонидан расмийлаштирилади.

Охириги йилларда ажралишлар сонининг ўсиши кузатилмоқда.

Ажралганларнинг кўпчилиги ёш оилалар бўлиб, уларда ҳаётий кўникма ва тажриба йўқлиги ҳамда бир-бирига ён босишни хоҳламаслиги ажралиш учун асосий сабабларидан бирига айланган. Ёшларнинг оила қуришдаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий етуклигининг паст даражадалиги оиланинг яхши яшаб кетишида бир қанча муаммоларни юзага келтирмоқда ва ажралишга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда оила ва никоҳ борасидаги ўзгаришлар йил сайин ижобий тус олаётганлигини тан олиш зарур. Бугун юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хўш бугунги жамиятимизда оила, турмуш, тарбия, муносабат тушунчалари қанчалик аҳамият кесб этмоқда, ёки уларнинг даражаси қандай бўляпти деган савол бор. Бундай фикр юритишимнинг сабаби, аслида ўзбекнинг қонига сингиган ушбу тушунча бироз унутилаётгандек назаримда. Шиддат билан ривожланаётган технология асрида кундан-кунга, шиддат билан маълумотлар базамизга янги ҳабарларни оқиб келаётганини гувоҳи бўляпмиз. Унда турли хилдаги ёвузликлар, тажовузлар, хаттоки қабихликлар ҳам авж олмоқда. Ҳа адашмадингиз ана шундай ноҳуш ҳолатларни кўряпмиз аксарият ҳолларда. Масалан, ўз фарзандини дунёга келтириб, хожатхонага ташлаб юборилгани, ёки бўлмасам яна бири дунёга келган гўдакни шавқатсизларча дарёга тош билан боғлаган ҳолда чўктириб нобуд қилинаётгани. Ахир бу қанчалар ваҳшийлик. Хаттоки хайвонлар ҳам ўз норасидасини ялаб-юлқаб уни оёққа турғазади. Бундай ҳолатнинг навбатдагиси унданада аянчли, эркак ўзнинг фарзандини дунёга келтирган аёлини шавқатсизларча калтаклайди. Кучли зарблардан сўнг хали туғруқдан кегин чилласи ҳам чиқмаган аёл бу зўравонликни кўтара олмай ҳаётдан кўз юмади. Хўш савол туғилади? Сабаб нима, нима учун бунчалик тубанлик, бунчалар зўравонлик ва шавқатсизлик. Бир ёш аёл бу дунёни тарк этди. Норасида гўдак она тафтини хис қилмай етим бўлиб қолди. Ота эса жазо учун қамалди. Ахир нима учун? Нега? деган саволлар ўртаб юборади инсонни. Шавқатсиз отага қарата айтгим келади: ахир шулар сенинг оиланг эдику. Шулар сени эъзозлар, иссиқ ва совуғингдан хабар олар. Кексайгандингда олдинга бир коса овқат олиб келадиган ғамхўрларинг эдику.

Юқоридаги каби вазиятларни эшита туриб, қаерга бу олам одамлари кетаётганини уларнинг фикрлаш тушунчалари жуда заиф бўлиб улгурганига афсуслар айтаман. Шу боис ота-боболаримиз оилага жуда катта эътибор билан қарашган. Буюк алломаларимиз Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Кайковусдан тортиб





Беруний, Ибн Сино, Форобий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ва бошқаларгача ўз асарларида оилавий масалалар, хусусан, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-она, бобо-бувининг ўрни, комил ва ватанпарвар шахсни етиштиришда бу муҳим ижтимоий институтнинг ролига алоҳида ёндашиб, ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, фарзандларга мактублар, ҳикматли сўзлар, шеърӣ сатрлар орқали панд-насиҳатлар, ҳаётӣ хулосалар ёзиб қолдирганлар. Маҳмудхўжа Бехбудӣ, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлонӣ, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхонов каби маърифатпарварларимиз ҳам одоб-ахлоқи гўзал, жисмонан ва маънан етук авлодни тарбиялашнинг ягона йўли - барқарор оила қуриш эканини, оилани мустаҳкамламасдан давлат ва жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлашган.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, бой илмӣ-маданий меросимиз, қадимӣ урф-одат ҳамда анъаналаримиздан аёнки, ҳар қандай замон ва маконда ҳам оила биз учун муқаддас қадрият саналган. Бинобарин, тарбиявий, маънавий-маърифӣ, руҳӣ-ахлоқӣ, иқтисодӣ-ҳуқуқӣ муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик ҳисобланмиш оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик барқарор тараққӣ этишини аждодларимиз жуда яхши англашган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишларда таклифларимни тақдим этамиз:

1. Оиланинг ҳуқуқӣ саводхонлигини тубдан яхшилаш ва ҳимоялаш бўйича илмӣ-амалий фаолият кўрсатиш;
2. Оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниши, соғлом ўсиши, мактабга тайёрлашда ота-оналарнинг фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда масъулиятларини ошириш;
3. Оилавий спортни ривожлантиришга оид услубӣ тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни кенг амалиётга тарғиб этиш;
4. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурда белгиланган ўрта таълим талабларини таъминлаш мақсадида оилада қизлар тарбияси борасида ота-оналарга, оила аъзоларига услубӣ ва амалий ёрдам кўрсатиш;
5. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ижтимоий институтлар ҳамкорлигини такомиллаштириш;
6. Ёш авлодни маънавий- маърифӣ камолотини юксалтириш орқали оилада ёшларни динӣ экстримизм ва ақидапарастликдан ҳимоя қилишда оила муҳитига алоқадор воситаларнинг энг самарали, макбул усулларини излаш ва жорий этиш;
7. Оила фаровонлиги ва камолоти йўлида қабул қилинган Ҳукумат қарорларида белгиланган чора-тадбирлар республика миқёсида ҳамда жойларда бажарилишига кўмаклашиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзР Президентининг фармони. "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" // ЎзР Президентининг Расмӣ веб-сайти // <https://president.uz/uz/lists/view/3368> [27.03.2020]
2. Ш.Мирзиёев. Билимли авлод - буюк келажакнинг, тадбиркор халқ - фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. - Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Т.-2018
3. Постановление Президента №3183 от 9 августа 2017 г. Об организации



специальных управлений по заочному педагогическому образованию в высших учебных заведениях.

4. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январь, ЎРҚ №139 Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2008.

5. Ўзбекистонда оила мустақамлигининг социал омиллари - 2006 Умрзакова Р.А.

6. Оилада шахслараро муомалани ташкил этиш психологияси - Республика "Оила" илмий-амалий маркази. Ф.А.Акрамова, З.Б.Бибилова - Тошкент 2015

7. 3. Воробьева, Марина Алексеевна. Модернизация концепции и практик государственного управления в России на рубеже XX и XXI веков : автореферат дис. ... кандидата политических наук : 23.00.02 / Воробьева Марина Алексеевна; [Место защиты: Сев.-Кавказ. акад. гос. службы]. - Ростов-на-Дону, 2008. - 26 с.

8. Braithwaite J.D. "The Old and New Poor in Russia" in Jeni Klugman, ed., Poverty in Russia: Public Policy and Private Responses. - Washington, D.C.: The World Bank, 1997.

9. International Perspectives on Family policy. University of Newcastle, Australia // <https://www.newcastle.edu.au/course/HLSC6510> [27.03.2020]



## НИКОҲ ВА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА КЕКСА АВЛОДНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**Холмирзаев Хайитбой Дедахонович**  
с.ф.н. доц., Низомий номидаги ТДПУ  
holmirzayev65@mail.ru 99894 6684501  
**Бабаниёзова Дилънура Шухратовна**  
**Қорақалогистон Республикаси Амударё**  
**тумани 36-сонли мактаб ўқитувчиси**

*Аннотация: Инсон эволюциясида муҳим саналган никоҳ ва оила муносабатларига Шарқда теологик тасаввур туфайли муқаддаслик тушунча-си шаклланган. Бироқ, даврлар оша дунёвий илм-фаннинг ривожини, олам ва борлиқ каби "сирли"лик кашф этган никоҳ ва оила тушунчасини мазмун ва моҳиятини англашга нисбатан қизиқишни ортирди.*

*Калит сўзлар: Шарқ ва Фарб, уруғдошлик ва қабила, давлат, оила ва никоҳ муносабатлари, теология ва дунёвийлик, онг, тафаккур, оила турлари, талоқ, ажрим, илм-фан, социология, социометрия, анкета сўров, респондент, кузатиш, интервью(суҳбат), баҳс, мунозара, онлайн сўров, социал мавқеи.*

Ҳозирда никоҳ, оила ва ажрим муаммоси нафақат юртимизда балки жаҳон миқёсида ҳам кескин муаммога айланган, бироқ Фарб халқларида бу муаммога нисбатан совуққонлик билан ёндашилади. Лекин, азалдан Шарқ, хусусан, ўзбек халқида ажрим муаммоси нафақат ажрашаётган эр-хотин-нинг балки, туғушганлари учун ҳам аҳамиятли ҳисобланган. Чунки, ота ва онанинг ажрашуви, фарзандлар руҳиятига салбий таъсир қилиб, улар руҳий зарба олишидан қалби кемтик бўлиб ўсади.

...Инсон шахсининг аслида ким эканлигини унинг аждод-авлоди ёки машҳур исм, шарифи ёки насаби билан эмас балки, у ўз миллати, халқининг қадриятларини қанчалик билиши ва хурмат қилиши нафақат сўзда балки, ҳаётда қанчалар амал қилиши билан белгиланади-деган эди Р.Тагор [1. -Б.-189].

Лекин, жамиятда оилавий ажримлар сонининг ошиб бориши кўпчи-ликни ташвишга солиши табиий, аммо, бу социал муаммонинг сабабларини ҳар бир ёш табақаси ўзича талқин қилиб, ўзларидан айбни соқит қилиб, айбни "кимга"дир ағдаришга ҳаракат қилади. Барча бирдек ўзича ҳақ ва беайиб, бироқ, оилавий ажрим муаммоси ўз-ўзидан бартараф бўлиб қолмайди. Лекин, мазкур муаммонинг ортигандан ортиб, ҳатто фожиали якун топиши айримларни ҳатто ҳайратлантирмай қўйди.

Йил	Сони, минг		Аҳолининг 1000 кишига	
	Никоҳлар	Ажралишлар	Никоҳлар	Ажралишлар
2014	296,1	28,8	9,6	0,9
2015	287,6	29,6	9,2	0,9
2016	275,0	29,3	8,6	0,9
2017	306,2	31,9	9,5	1,0
2018	305,3	31,7	9,4	1,0

1-Жадвалда Ўзбекистон Республикасида никоҳ ва оилавий ажримларнинг йиллар кесимидаги таҳлили берилган [2].



Балки, ажримлар сабабини оила муҳитидан излаб кўрсак тўғри бўлар...? Боланинг оламини англашга бўлган иштиёқи 5-9 ёш орасида кечиб, бу даврда ўзини қизиқтирган саволларга жавобни ўз яқинларидан топишга ҳаракат қилар экан. Шу сабаб, бола, турли саволлар билан оила катталарига мурожаат этиб, агар ҳар бир саволига тўғри жавоб олса, унда ўз яқинларига нисбатан меҳр, ҳурмат ва фаҳр туйғуси уйғониб, оламга нисбатан қизиқиши ортади.

Шарқ оламидаги кўп машҳур аломалар Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийларга шундай бахтли болалик насиб этиб, келажига ижобий таъсир кўрсатган экан. Бироқ, совет жамияти даврида ўсиб улғайган одамлар ҳам бу каби бахтли болаликка муяссар бўлганми..?

...Нега, дала, мактаб ва қишлоқ сўзлари кўплик шаклида ёзилади-ю, нега меннинг уйим сўзи бирликда ёзилишини муаллимдан сўрасам, катта бўлганда билиб оласан деди. Кечқурун отамдан сўрасам, мен сенга муаллим эмасман, қаёқдан билай, бу саволингни давлатдан ойлик олаётган малимингдан сўра дея жерикди. Балки буни сабабини сен биларсан Қоплон-дея бола, мунгли нигоҳ билан бўрибосарга қаради, у ҳам билмайман дегандек кўзини унсиз очиб юмди. [3.-Б.-183].

Таълим ва тарбия борасида сўз кетганда фақатгина даврни айблаш тўғри бўлмас, чунки, тарбия аввало оиладан бошланади. Социология фанида оиланинг илмий асослашда моногамия, полигамия ва ҳоказо, яни оила-нинг маълум бир турга ҳослиги белгиланади. Балки, оилани турга ажра-тишдан кўра оиланинг социал, маданий ва маънавий мазмун-моҳиятини белгилаш, таҳлил этиш кўпроқ мақсадга мувофиқ бўлар.

Гетрогенлик (юн. heterogenes-турли, хилма-хил)- таркиби турлича бўлган кимёвий унсур(элемент)лардан ташкил топган ва реакция жараёнида бир турдан бошқа турга ўтиб, модда таркибида бир бутунликни ташкил этган тизим(система)га нисбатан айтилади [4.-Б.-77].

Гетрогенлик, табиий фанларда қўлланиладиган тушунча бироқ, маданиятшунослик фанида турфа миллат ёки халқларнинг урф-одат ва аънаналарининг ўзаро қўшилиб кетишига нисбатан ҳам тадбиқ этиш мумкин.

Ёки диффузия(лот.diffusio-аралашиб, қўшилиш) ҳодисаси табиий фан-ларда газ ёки суюқликнинг ўзаро аралашиб, қўшилиб кетишига нисбатан қўллаш мумкин.

Совет жамияти йирик саноат корхоналарини барпо этганда турли миллат вакиллари елкама-елка меҳнат қилишган, маълумки меҳнат тақсимоотида ходимнинг техник кўникмасига кўпроқ эътибор берилиб, техника билан "тиллаша" олганлар юксак эътироф этилган. Меҳнатни ташкил этишга кўра бу ҳолат бир жиҳатдан тўғри ва ҳолис ёндашув, бироқ, қолганларга нисбатан оддий бир кўмакчидек қарашдан ходимлар ўртасида социал табақа юзага келган. Ёки, рус тилини билувчиларга жамиятнинг "илғор вакили" сифатида қараш, рус тилини билмаганлар эса хизмат поғонасидан кўтарила олмаган. Шу каби воқеа ва ҳодисалар сабаб, жамиятнинг "илғор вакили"га айланиш мақсадида аралаш никоҳлар юзага келди. Бу каби оилаларда европага ҳос маданият доминантлик қилади, Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзаро "тўқнашуви"дан устивор, яни даврий-ликка асосланган гетроген маданият шаклланган.

Агар ушбу ҳодиса ёки жараёнга нисбатан маданият атамасини қўллаш мумкин бўлса, яъни, бирор бир миллат, дин ва тил вакилига тегишли бўлмаган "совет киши"си феномени шаклланди, унинг таъсирида кўплаб миллий маданият ва қадриятлар таназзулга юз тутди.

Кундузги, сиртқи ва маҳсус сиртқи бўлим талабалари билан социал сўров ўтказиб, мазкур муаммони келиб чиқиш сабабларини ўрганишга мувофиқ бўлдик.



Социал сўровда жами 1000 нафар респондент иштирок этди, 300 нафар кундузги бўлим талабаларидан ёшларнинг оила қуриш тўғрисидаги фикрларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Оила тўғрисида маълум бир тажрибага эга бўлган 400 нафар маҳсус сиртқи бўлим талабаларидан ажримларга сабаб бўлаётган муаммолар борасида фикрларини таҳлил этишга мувафақ бўлдик. Маҳсус сиртқи талабалари кўмагида 300 нафар аҳолининг фикрини ўрганилди. Анкетадаги 30 та саволнинг 25 таси ёпиқ ва 5 таси очик саволдан иборат бўлиб, респондентнинг мавзуга доир маданий-маърифий, социал-иқтисодий ва диний-дунёвий тафаккурни аниқлашга ҳаракат қилдик.

Социал сўров натижасига кўра 71,7 % респондент тест саволларининг мазмун ва моҳиятини англаган ҳолда ҳолис жавоб берди. Аммо, 18,1% респондент сўровга нисбатан лоқайд ва бефарқ, 10,2% респондент эса қўйилган муаммога нисбатан эътироз билдирди. Эътирозлар асосан аралаш никоҳлар тўғрисидаги саволларга нисбатан турлича қараш, ёндашув ва баҳолашда бўлди. Респондентларнинг 53,4% оила қурганлар, 32,3% оила қуриш арафасидагилар, 8,1% ажрашганлар ва 6,2% якка-ёлғиз яшаётганлардан иборат бўлди.

Миллийлик ва миллий қадрият деганда нафақат урф-одат ва анъана-ларни тушуниш, балки, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ва дунё-қарашга эга бўлиш, экзоген ёки ретроспектив оила сифатида баҳолаш мумкин. Экзоген ёки ретроспективлик, бу кўҳна ва азалий қадриятларга содиқлик, аммо, қотиб қолганлик эмас, аксинча ўтмиш аждодларнинг тарбия ва таълим соҳасидаги азалий меросини замон билан уйғунлаштириш демакдир. Республикамизда миллий қадриятларни эъзозлаб яшаётган Наманган вилояти Чуст шаҳар Чустий МФЙ, Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридаги Абдуллабий МФЙ ва Фарғона вилояти Марғилон шаҳар Ипакчи МФЙ аҳолисининг турмуш тарзини ўрганишга мувафақ бўлдик. Ҳар уч ҳудуд аҳолиси халқ амалий санъати намунаси: аёллар, дупичилик, уй-рўзғор буюмларини тайёрлаш, яни чеварчилик анъаналарини эгаллашган экан.

Эркаклар эса пичоқчилик, темир ва ёғочга ишлов бериш, автомобилга техник хизмат кўрсатиш ҳамда боғдорчилик касбида устоз-шогирд анъана-сини давом этиришар экан. Агар автомобилга техник қаров кўрсатиш бўйича усталар Россия, Германия ва Жанубий Кореяда тажриба оширган бўлса-лар, иморатсоз ва ёғоч ишлов берувчи усталар ҳам ўз ҳунарлари ортидан Малайзия, Татаристон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Кавказ ўлкаларида бунёдкорликда обру ортирган эканлар.

Мусо а.с в.бир куни шаҳар бозорида ўз ўғлига даки бераётган савдогар-нинг сўзига қулоқ солди.

Савдогар:-Аҳир қачонгача фақат мени айтганимни қиласан, ўғил эса ерга боқди. Мусо а.с.в. сўради:-Аҳир бу ёмон одат эмаску ?

Савдогар:-Аҳир тоқайгача мени айтишимни кутиб яшайди, мени боғлаб бермаганку? -Қачон ўзи масъулятни ҳис қилади [5].

Эркак ва аёл ҳунармандлар орасида олий маълумотлилар кўпчи-ликни ташкил этиб, улар халқ хўжалиги соҳаларида фаолият юритиш билан бирга касб-ҳунар ортидан қўшимча даромад топиш ва фарзандларига ўргатишни ишташар экан. Ҳар бир ҳунарнинг ўз уста боши бўлиб, барча унинг ўғит ва маслаҳатларига амал қилар, усталар шогирдларини нафақат касб-ҳунарга балки, одоб-ахлоққа ҳам ўргатиб борар экан.

Кайвонийлар: агар аёлнинг қўли банд бўлса, тили сукутда бўлиб, рўзғори бут, оиласи тинч ва фаровон бўлади. Ҳунар бу меҳнат, ундан келган даромад ҳалол ризқ насиба у рўзғорга қут барака, тинчлик-ҳотиржамлик олиб келади"-дея нақл қилишди. Беихтиёр Нақшбандийнинг "Дил баёри, даст бакор"-деган ҳикматини



ёдга солади.

Улардан оилавий ажримлар тўғрисида сўраганимизда "Бу ҳаёт, чорасиз ҳолатларда ажримлар рўй беради, шукур бизнинг маҳалламизда бундайлар кам"- дея жавоб беришди.

51,7% респондент никоҳ, оила ва ажрим муносабатлари эр ва хотин-нинг ҳеч кимнинг аралашувисиз ҳал этиладиган масала деб қаради. 23,8% респондент эса бу муаммо, анъанавий(миллий) тарзда яқинлар иштирокида маслаҳат йўли билан ҳал этилишини, 15,6% бу борада фикрга эга эмаслигини ва 8,9% муаммонинг ечими фақат ажрим деб қаровчилардан иборат бўлди.

Лекин, оилавий можаролар, ажрим билан барҳам топадими, йўқ аксинча бир қатор муаммоларни юзага келтиради! Жумладан, ажрим туфайли эр-хотиннинг алоҳида турар жойга эҳтиёжи ортади. Эр ёлғиз яшамайди, оила қуради. Авваллари рўзғор деб аталмиш "арава"ни эр-хотин торган бўлса, аёл рўзғорни ёлғиз тебратишга мажбур бўлади, а элемент тўлови эса моддий таъминотни ҳал этолмайди. Моддий қийинчилик "гирдоб"ида қолган аёл, руҳий бузилиш туфайли фарзандларига меҳр бера олмай, яна бир қатор муаммоларга дуч келади. Муҳтожлик, меҳрсизлик ва чорасизлик каби тугалмас муаммолар, ёлғиз аёлга яна қандай "туҳфа"лар ҳозирлаб қўйди экан? Энди бунга вақт ҳакам..!

Фарғона водийси вилоятлари, аҳолиси сони бўйича кўп ва зич, шундан ишсизлар сони ҳам юқори, республика аҳолисининг учдан бир қисми шу ҳудудга тўғри келади. Наманган, Андижон ва Қўқон шаҳри кўҳна қадрият ва ҳунармандчилик маркази, аксарият аҳолисининг моддий таъминоти юқори бироқ, бу ҳудудларда ажримлар сони ортган, бунинг сабаби моддийга асосланган индивидуализм кучлиги экан.

Самарқанд, Бухоро ва Ҳива шаҳарларининг тарихи Водий шаҳар-ларидан кўҳнароқ, юқоридаги каби амалий санъат намуналари бу ҳудуд-ларда аввалроқ вужудга келган бўлса нежаб, не-не тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлмаган, улардан фарқли жиҳати қадимдан кўп миллатик бўлиб, шўролар даври "ғоя"лари таъсирида гетрогенлик устиворлик қилади.

Луқмони Ҳаким бир бойга хизматга ёлланибди, бой: "ерга буғдой уруғини сочгил" деб буюрди. Луқмони Ҳаким буғдой ўрнига арпа сочди, буни кўрган бой газабланиб:

-Мен сенга буғдой сочгил, деган эдим, нега арпа сочдинг?-деди.

-Арпа сочсам буғдой унмайдими?-деди Луқмони Ҳаким маънодор оҳангда.

-Эсинг борми, ҳеч вақт арпадан буғдой унадими? -деб газабланди.

-Ундай бўлса, нега сиз доим халққа ёмонлик қиласизу, яна Аллоҳ Таолодан ёмонликка ажр сўрайсиз, ёмонлик қилсангиз, албатта ёмонлик қайтади. Арпадан буғдой унмагани каби, халққа озор бериб, яна яхшилик умид қилманг-деди Луқмони Ҳаким. Халқимизда: "Буғдой эксанг, буғдой ўрасан, арпа эксанг арпа ўрасан", деган мақоли шу ҳикматдан пайдо бўлган [6.-Б.-5].

Иккинчи жаҳон уруши даврида эркаклар фронтга кетгач, барча оғирлик кексалар, аёллар ва болалар зиммасига тушди. Урушдан кўплаб эркаклар қайтмади, халок бўлди. Тикланиш йилларининг барча қийинчилик-лари аёллар гарданига тушди, боиси фронтдан қайтган эркакларнинг аксарияти оғир жароҳат олган, ногиронлар эди.

Ўтган асрда Европада тенг ҳуқуқлилик масаласи кўтарилди, бошқа соҳаларда уларни қўлламаган совет жамияти бунга алоҳида эътибор берди. 70-йилларда Останкино(ҳозирги ОРТ) студияси "Балли қизлар(А ну-ка, девушка!)" кўрсатуви эфирга узатилди, тез фурсатда бу ташаббус иттифоқ республикаларида оммалашди. Ўзбекистон телевидениясида "Иқбол" қизлар танлови йўлга қўйилди.



Иштирокчилар ўзларининг жисмоний жиҳатдан эпчил, абжир ҳамда камига билимли эканликларини намойиш этиши лозим эди. Танлов жуда тез оммалашиб, халқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган илғорлар ва аълочи, фаол жамоатчи талаба қизлар танлаб олинарди. Нафақат танлов ғолибига балки иштирокчиларга ҳамма ҳавас қилар, барча қизлар эса уларнинг ўрнида ёки қаторида бўлишни исташса, йигитлар эса турли мақсад ва орзу истагида мактуб ёзиб чарчашмасди.

Кўрсатувнинг мақсади совет жамиятидаги хотин-қизлар, Фарблик нозик "ойимча"лардан фарқли тарзда тенг ҳуқуқликда эркаклардан кам эмаслигини "кўрсатиб қўйиш" эди. Телекўрсатув тез фурсатда кўзлаган мақсадига эришди, хотин-қизлар Россиянинг Байкал-Амур каби инсон оёғи етмаган ўрмонларидан ўтувчи авто ва темир йўл қурилишида "жонбоз"лик кўрсатиш учун йигитлардан кўра кўпроқ қизлар отланишди. Улар, энг мураккаб, оғир участкаларда зирҳли оғир техникаларни бошқариб, йигитлар билан беллашишди.

Ҳатто йиртқич қуш ҳам ўз полонинини очиб чиқиш учун ин қуришга, тинч-осуда гўша излар экан. Шунингдек, инсон ҳам ўз уйи, ҳонадонидан топмаган меҳр-оқибат ва бахтни дунёнинг ҳеч бир еридан ҳар қандай бой-лик эвазига ҳам топа олмайди, деган эди Лев Толстой. Ёзувчи ҳам оилавий бахтга ташна бўлиб яшагани сабаб, орзусидаги чин севги-муҳаббат ва бахтни қаҳрамонлари тимсолида тасвирлаб, ҳузур ҳаловат топган бўлса нежаб.

#### Адабиётлар

1. Рабиндранат Тагор. Мақолалар. Танланган асарлар. -Т.: -1982, -Б.-189.
2. Holmirzaev H.D, Yusupova E.F- "Marriage and a socio-philosophical analysis of the problems leading to divorce in Uzbekistan".
3. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. -Т.: Шарқ Юлдузи ж., -Б.-183
4. Фалсафа: энциклопедик луғат. - Т.: Давлат илмий нашриёти. 2010. -Б.77.
5. [www.hadad.ru/](http://www.hadad.ru/)Учение Торы. Муаллиф таржимаси.
6. Тоҳир Малки. Кўнгил нимадан қораяди. -Т.: 2019, -Б.-5.-180.
7. Айтметов Чингиз. Сарвиқомат дилбарим. -Т.: 1978, -Б.-127.

**TADQIQOT.UZ**  
**ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"**  
**МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 16-КЎП ТАРМОҚЛИ**  
**ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ**  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(4-қисм)**

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳих:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.05.2020

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000